Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 41 (5632).
18 ФЕВРАЛЬ 1985 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР ШАРАФИГА

ЕВРОПА ШИМОЛИ ЯДРО ҚУРОЛИДАН ХОЛИ БЎЛСИН

К. У. ЧЕРНЕНКОНИНГ «ТЕЗДА ШАРТНОМА ТУЗИЛСИН» ДЕГАН ШИМОЛИЙ ЕВРОПА ТАШКИЛОТИНИНГ МУРОЖААТНОМАСИГА ЖАВОБИ

Шимолий Европа мамлакатларида иш кўраётган ва «Тезда шартнома тузилсин» деган урушга қарши мўътабар ташкилотнинг раҳбарлари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненкога мактуб билан мурожаат қилиб, бу мактубда улар Европа шимолида ядросиз зона вужудга келтириш кераклигини ёқлаб фикр билдирадилар. «Тезда шартнома тузилсин» ташкилоти Шимолий Европа мамлакатларининг кенг ижтимоий-сиёсий доираларини бирлаштириб, ядровий қуролланиш пойгасига қарши, шу регионда тинчлик, барқарорлик ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун изчиллик билан курашмоқда.

«Тезда шартнома тузилсин» ташкилотининг раҳбарлари мактубда Европанинг шимолида ядросиз зона вужудга келтириш тўғрисидаги масала юзасидан Совет Иттифоқининг маълум позициясига ижобий баҳо бериб, Совет Иттифоқи шу ғоянинг амалга оширилишига қандай қилиб ижобий таъсир ўтказа олган бўлур эди, деган саволга жавоб қайтаришни илтимос қилишди.

К. У. Черненко шу мактубга йўллаган жавобида тинчлик учун, ядровий қуролланиш пойгасига қарши ҳаракат Европада, шу жумладан қитъанинг шимолида ҳам муҳим маънавий ва сиёсий куч бўлиб қолганлигини қайд этиб ўтди. Совет кишилари, — деди у, халқаро иқлим хатарли равишда ёмонлашганлиги, қуролланиш пойгаси давом эттирилаётганлиги, ядро уруши хавфи инсониятга таҳдид солаётганлиги муносабати билан Европа жамоатчилигининг ташвишига қўшилмоқдалар. Европада биринчи зарба уришга мўлжалланган қуролни жойлаштириб, уни ядро можароси чиқариш майдонига айлантириб қўймоқдалар. Шу боисдан Европанинг шимоли ядро қуролидан ҳоли бўлиши учун курашаётган ҳаракат қатнашчиларининг ушбу регионни қамраб оладиган ядросиз зона тўғрисида мумкин қадар тезроқ шартнома тузишга даъвати ниҳоятда муҳимдир.

К. У. Черненко ўз жавобида шу масалага оид совет позициясини баён этиб, бизнинг мамлакатимиз Европа шимолида ана шундай зонани вужудга келтириш мақсадида ижобий таъсир ўтказа олган бўлур эди, деб таъкидлади. У Совет Иттифоқи ядро қуролини ишлаб чиқаришдан ва унга эга бўлиб қолишдан воз кечаётган ҳамда ўз территориясида шундай қуролга эга бўлмаган давлатларга қарши ҳеч қачон ядро қуролини ишлатмаслигини неча марталаб билдирганлигини эслатиб ўтди. Конкрет равишда СССР ядросиз зонанинг иштирокчилари бўладиган, яъни ядро қуролини ишлаб чиқаришдан, унга эга бўлишдан ва ўз территориясида шундай қуролни жойлаштиришдан воз кечадиган Шимолий Европа давлатларига қарши ядро қуролини ишлатмаслик тўғрисида ўз зиммасига мажбурият олишга тайёрдир. Бундай гарантияни СССР иштирокида кўп томонлама битим билан ёки зонада иштирок этадиган мамлакатларнинг ҳар бири билан икки томонлама аҳдномалар тузиб расмийлаштириш мумкин бўлур эди.

К. У. Черненко Совет Иттифоқи Европа шимолида ядросиз зонанинг гаранти бўлишга ва ўзининг зонага туташ территориясига татбиқан баъзи, айтиш керакки, муҳим тадбирлар тўғрисидаги масалани кўриб чиқишга тайёр эканлигини тасдиқлади. Бундай тадбирлар шу зонанинг ядро қуролидан холи бўлиш статусини мустаҳкамлашга кўмаклашган бўлур эди. Жумладан, СССР Балтика денгизи акваториясига ядро қуролидан холи статусини бериш тўғрисидаги масалани манфаатдор томонлар билан муҳокама қилишга тайёр бўлур эди. Совет томони ўзининг бу тадбирларини Ғарб давлатларининг ядросиз зонага нисбатан ижобий муносабатига боғлиқ қилиб қўймайди, гарчи НАТОдаги ядро қуролига эга бўлган давлатлар ҳам ўз зиммаларига шундай мажбуриятларни қабул қилганликлари тақдирда зонани вужудга келтириш аҳамияти унинг барча иштирокчилари учун яна ҳам тўлиқроқ бўлур эди, албатта.

Совет Иттифоқи тобора кўпроқ вайронгарчилик келтирувчи қурол-яроғ турларини ишлаб чиқариш ва тўплашдан иборат телбаларча мусобақаларга қатъиян қаршидир. У космосда қуролланиш пойгасининг олдини олишга ва ерда шундай пойгани тўхтатишга, ядро қуролларини то батамом тугатгунча уларни чеклаш ва қисқартиришга, стратегик барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган ғоят қатъий чоралар кўрилиши учун курашмоқда. Март ойида Женевада бошланадиган Совет — Америка музокаралари бир-бири билан чамбарчас боғланган мана шу проблемаларни комплекс ҳал этишга бағишланади. Шу билан бирга бўлажак музокараларнинг мазмунига дахлдор бўлмаган ва мустақил равишда ҳал этилиши лозим бўлган ядро қуролларига тааллуқли масалалар ҳам бор. Ядро қуролидан холи зоналарни вужудга келтириш шундай проблемалар жумласидандир. Европанинг шимолида бундай зонанинг вужудга келтирилиши Европада ҳам, умуман бутун дунёда ҳам ишончли мустаҳкамлаш ва кескинликни камайтиришнинг янги имкониятларини очган бўлур эди.

Пировардида К. У. Черненко мактуб авторларига, Европанинг шимолий мамлакатларида тинчлик учун кураш ҳаракатининг барча қатнашчиларига уларнинг олижаноб фаолиятида янгиянги муваффақиятлар тилади ва Шимолий Европа мамлакатлари аҳолисининг Европа шимолини ядросиз зонага айлантиришга қурби етади, шу тариқа қитъамизда тинчлик ва хавфсизлик ишига муҳим ҳисса қўша олади, деб таъкидлади.

— тонгги — газеталарда

● СССРнинг Норвегиядаги элчихонасида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. У. Черненконинг жавобини «Тезда шартнома тузилсин» ташкилоти вакилларига топшириш маросими бўлиб ўтди. Ташкилот асосчиларидан бири, Норвегиянинг таниқли жамоат арбоби, профессор Эва Нурланд ўз нутқида шимолий мамлакатлар тинчликсевар жамоатчилигининг таклифларига эътибор билан қараб, қўллаб-қувватлаганлиги учун К. У. Черненкога самимий миннатдорчилик билдирди. К. У. Черненконинг жавоби ғоят муҳим эканлигини уқтириб, у совет раҳбари Европанинг шимолида ядросиз зона барпо этилиши муносабати билан ташкилот ўртага қўйган саволларга конкрет жавоблар берганлигини айтди. Э. Нурланд «Тезда шартнома тузилсин» ташкилоти К. У. Черненко жавобининг мазмунидан Шимолий Европа мамлакатлари кенг жамоатчилиги баҳраманд бўлиши учун бутун куч-ғайратини сарфлайди, деб ишонтирди.

● 16 февраль куни Москва область Электросталь сайлов округи сайловчиларининг РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов билан учрашуви бўлиб ўтди.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили — «Электросталь» электрометаллургия заводининг ишчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. И. Корягин В. В. Кузнецовнинг ҳаёт йўли тўғрисида гапириб берди ва сайловчиларни коммунистлар билан партиясизлар бузилмас блокининг номзодлари учун якдиллик билан овоз беришга чақирди.

● Қизил байроқли коллективларда

ЗАВОД ҚАД РОСТЛАМОҚДА

Тошкент шаҳар қурилиш бошқармасига қарашли 3-трестнинг 16-қурилиш бошқармаси коллективи 1984 йил программасини муваффақиятли уддалади. Қурилиш-монтаж ишлари ҳажми бўйича топшириқ 130,5 процент, меҳнат унумдорлиги бўйича топшириқ 122,8 процент бажарилди. Бошқарма коллективи меҳнатда эришган кўрсаткичлари учун юксак мукофотга — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон ССР касаба союзлари республика Советининг ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлди.

16-қурилиш бошқармаси коллективи Тошкент мотор заводи қурилишида зарбдорона меҳнат қилмоқда. Бу ерда социалистик мусобақада Ю. Ҳакимов бошлиқ комплекслашган бригада пешқадамлик қилмоқда. Бригаданинг жами 23 нафар аъзоси турдош касбларни пухта эгаллаб олишиб, Николай Злобин методи асосида муваффақиятли меҳнат қилмоқда.

Ҳозир бригада корхонанинг 12 қаватли инженерлик-лаборатория корпусида монтаж ишларини графикдан икки ҳафта илгари ниҳоясига етказиш арафасида турибди. Бир йўла девор панелларини монтаж қилиш ҳам бошлаб юборилди. Объектда дурадгор Василий Сивчев, пайвандчи Юрий Курлицин ва Рафкат Басировлар аъло даражада меҳнат қилмоқдалар.

Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига социалистик мажбурият қабул қилган бу илғор коллектив 9 Майга қадар ярим йиллик топшириқни шараф билан уддалайди.

М. ФЕЛЬДМАН.

1986 ЙИЛ ҲИСОБИГА

Тўқимачилик комбинати 1-йигирув фабрикасининг ветеран ишчиси, моҳир йигирувчи Зинаида Городецкаяни тўқимачилар коллективида кўпчилик яхши билади. У цехда биринчилардан бўлиб, ўтган йилнинг 25 майида ўн биринчи беш йиллик план-топшириғини муваффақиятли бажаргани ҳақида рапорт берган эди. Шунда Зинаида Ивановнани бу ғалаба билан барча ҳамкасбларни самимий қутлашди, унга гулдасталар тақдим этишди. Илғор ишчи шундан кейин ҳам суръатни сусайтирмади. Бугунги кунда Зинаида Ивановнанинг беш йиллик бошидан буён ишлаб чиқарган маҳсулоти 189 минг 455 килограммни ташкил этди. Бу маҳсулотнинг 24 минг килограмми планга қўшимчадир. Ҳозир моҳир ишчи 1986 йилнинг нюль ойи ҳисобига маҳсулот топшириятти.

ХАЛҚ НОМЗОДЛАРИ

МЕҲНАТДА ЎРНАК БЎЛМОҚДА

Саодат Сиддиқова Янгийўл озиқ-овқат техникумини тугаллагач, ўз меҳнат фаолиятини Тошкент булка-кондитер комбинатида бошлаган эди. Мана саккиз йилдирки, у шу корхонада фидокорона меҳнат қилиб, инженер-технолог касбини пухта эгаллади. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг юқори сифатли бўлиши тажрибали мутахассислигининг меҳнат фаолиятига боғлиқ.

Ишлаб чиқаришдаги ютуқлари ҳамда жамоат ишларидаги актив фаолияти учун Саодат Сиддиқованн комбинат коллективи халқ депутатлари Акмал Икромов район Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

***

СУРАТДА: Саодат Сиддиқова.

Т. КАРИМОВ.
Автор фотоси.

● Истеъмол буюмларига—кенг йўл

Янги чолғу асбоби

Тошкент миллий чолғу асбоблари фабрикаси коллективи шу кунларда партиянинг XXVII съезди ва Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ғайратшижоат билан меҳнат қилмоқда.

Фабрикада 33 хил музика асбоблари ишлаб чиқарилмоқда. Шулар жумласига қардош республикаларнинг музика асбоблари ҳам киритилган.

Фабрика коллективи 1985 йилда 3 миллион 970 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилган.

БУГУН

фабрика коллективи Тошкент Давлат консерваторияси лабораторияси томонидан тавсия этилган янги музика асбоби «Тошкент рубоби»ни ишлаб чиқара бошлади. У ўзининг жарангдорлиги, бежиримлиги, кўркамлиги билан олдингиларидан фарқ қилади.

М. АКРОМОВА.

+ Бошланғич партия ташкилотларида

МУСОБАҚА—ЕТАКЧИ КУЧ

«Средазэнергоцветмет» бирлашмасида меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракати тобора кенг қулоч ёзиб бормоқда. Корхона коллективи ўртасида КПССнинг XXVII съезди ва Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига меҳнат ютуқларини янада бойитиш юзасидан мусобақа авж олиб кетди.

Корхона партия комитети бирлашманинг барча бўлинмалари ва цехлари ўртасидаги социалистик мусобақа шартларини ишлаб чиқди. Аввало, ишлаб чиқариш фаолиятига қараб (асосий ва ёрдамчи) цехлар группаларга бўлинган. «Энг яхши ишчи», «Энг яхши бригада» номини олиш учун мусобақа уюштирилмоқда. Мусобақада бирлашманинг барча бўлинмалари ва барча категориядаги ходимлар иштирок этмоқда.

Мусобақанинг бориши парткомда мунтазам кўриб борилмоқда. Унга муҳим эътибор берилаётганлиги сабабли бу ерда меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада пудрати усули яхши самара беряпти. Товар маҳсулоти ишлаб чиқариш фақат меҳнат унумдорлигини ошириш эвазига кўпаймоқда.

ИЛҒОРЛАР ТАЖРИБАСИ—ОММАГА

Бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш учун курашаётганлар сафи Тошкент бадиий буюмлар фабрикасида ҳам кенгайиб бормоқда. 12 ишлаб чиқариш илғори ўз зиммасига ана шундай юксак социалистик мажбурият олиб ишламоқда. М. Аҳмадхўжаева, М. Одилова сингари ишлаб чиқариш илғорлари ана шулар жумласидандир. Пешқадамлар шу кунларда 1989 йил ҳисобига меҳнат қилмоқдалар. Ўнга яқин бригада ва 300 дан зиёд ишчи шахсий беш йиллик топшириқларини ўтган йилиёқ адо этишган эди. Ҳозир ўн бригада ва 400 дан зиёд ишчи Буюк Ғалабанинг 40 йиллигигача шахсий беш йиллик топшириқларини адо этиш учун курашяпти.

Корхона партия ташкилоти илғорлар тажрибасини кенг ёйишга муҳим эътибор беряпти. Н. Давидова, Д. Тиллаева сингари тажрибали ташкилотчилар етакчилик қилаётган бригадалар «Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига—40 зарбдор ҳафта» мусобақасида бошқаларга намуна кўрсатмоқдалар.

СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАР УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШ—КОМСОМОЛНИНГ МУҲИМ ИШИ

Ўзбекистон йигит ва қизлари партия Марказий Комитетининг 1984 йил октябрь Пленуми қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг Пленумда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган қоидаларни, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVIII пленуми қарорларини жанговар ҳаракат программаси деб қабул қилдилар. Мелиоратив қурилишларга оталиқни янада кучайтириш, суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини, дала ва фермалар маҳсулдорлигини оширишда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини комплекс механизациялашда актив иштирок этиш юзасидан республика комсомол ташкилотининг вазифалари Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг 16 февраль куни бўлиб ўтган пленумида муҳокама қилинди. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. А. Алламуродов доклад қилди.

Пленумда агросаноат комплексини ривожлантиришда ҳали барча комсомол ташкилотлари ўзларининг қанчалик конкрет иштирок этишларини белгилаб олмаганликлари таъкидлаб ўтилди. Ҳозирги вақтда ёш деҳқонлар билан мелиораторлар ўртасидаги социалистик мусобақа баъзан расмий ҳарактерда бўлади. Қорақалпоғистон АССР, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё областларининг кўпгина комсомол-ёшлар коллективларида деҳқончилик маданияти паст, шу сабабли пировард натижалар юқори эмас.

Пленум ёш мелиораторлар, деҳқонлар, инженер-техник ходимлар ва оилалар, республика барча йигит ва қизларини Узоқ муддатли мелиорация программасини амалга оширишда актив қатнашишга жалб этиш юзасидан конкрет тадбирларни белгилади. Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё областларининг қўриқ хўжаликларига амалий ёрдам беришга азму қарор қилган Фарғона водийси ёшларининг ташаббуси қўллаб-қувватланди.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Е. А. Айтмуротов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

БИНОКОРЛАРГА БАЙРОҚ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети химия объектларини қуриш юзасидан социалистик мусобақанинг 1984 йил 4-квартал якунларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли 8-қурилиш трести коллективига бердилар.

НОМЗОДЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Яқинда Киров районидаги 96-мактабнинг мажлислар зали сайловчилар билан гавжум бўлди. Бу ерда сайловчиларнинг 66-сайлов округидан шаҳар Совети депутатлигига номзод В. А. Бекетовская ва район Совети депутатлигига номзодлар А. Нурмуҳамедов ва Л. Мелиевлар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Сайловчилар номидан сўзга чиққанлар — Янгиариқ маҳалла комитети раиси Абдулла Мирзаев, З. Каримов ва А. Ворошилов. лар сайловдан сайловгача бўлган даврда депутатлар ёрдамида маҳалла территориясида амалга оширилган ишлар ҳақида мароқ билан гапириб беришди. Чунончи, сув таъминоти яхшиланди, бир қанча кўчалар ремонт қилинди, транспорт бекатларига соябонлар қурилди, сабзавот дўкони очилди.

Учрашувга келган сайловчилар депутатликка номзодларга янги наказлар беришди.

А. НАБИХЎЖАЕВ.

КОНКУРС ҒОЛИБЛАРИ

Тошкентда бўлиб ўтган 2-республика конкурси ғолибларининг якунловчи концерти музика байрами—ёш талантлар байрамига айланди. Концерт 15 февралда республика пойтахтида бўлиб ўтди. Пианиночи, скрипкачи, виолончель, альт чалувчилардан 60 киши ўн кун мобайнида мусобақалашди. Пианиночиларнинг VII конкурси, торли чолғу асбоблари музика ижро этувчилар конкурсида мактаб ўқувчилари, студентлар, педагоглар, концертмейстерлар, оркестрларнинг артистлари қатнашдилар. Конкурсларда Ўзбекистон вакиллари билан бирга Москва, Ленинградда, мамлакатнинг бошқа шаҳарларида таълим олаётган ёш музикачилар иштирок этдилар.

Конкурсларнинг жюриси Навоий номидаги опера ва балет театрининг концертмейстери С. Асабоевани, Тошкент Давлат консерваториясининг стажёри М. Гумаровни, консерватория студентлари А. Сапаев, Ў. Рихсиев, Э. Бекманбетовларни, Успенский номидаги интернат-мактаб талабаси Ш. Азимхўжаевани ғолиблар қаторида тилга олди.

(ЎзТАГ).

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

БУГУН ТОШКЕНТДА:

«Ташсельмаш» заводининг 10-цехидаги Р. Рихсиев бошлиқ илғор бригада коллективи сафига Совет Иттифоқи Қаҳрамони Собир Раҳимовнинг номи фахрий аъзо этиб киритилди. Машинасозлар қаҳрамон саркарданинг шарафига ишланган иш ҳақини Тинчлик фондига топширадилар.

●

Тошкент зонал экспериментал лойиҳалаш илмий-тадқиқот институтида Тошкент шаҳрида бунёд этиладиган уй-жой ва жамоат бинолари қурилишига доир ягона каталог ишлаб чиқилди. Унда асосан шаҳардаги уйсозлик комбинатларининг маҳсулотларидан фойдаланилган ҳолда қурилиш сифатини ошириш, таннархини камайтириш масалалари кўзда тутилган. Институтда мактаб ислоҳоти талабларига тўла жавоб бера оладиган мактаб бинолорини лойиҳалаш ишлари ҳам олиб борилмоқда.

●

Юлиус Фучикнинг Тошкентдаги уй-музейида Чехословакия халқининг отасини фарзанди туғилган кун ва қардош мамлакат фашизм асоратидан озод этилганлигининг 40 йиллиги муносабати билан ҳафталик бошланди. Чехословакияни озод этишда қатнашган Совет Иттифоқи Қаҳрамони, рассом Самиг Абдуллаев, филология фанлари кандидати Анвар Шомақсудов, истеъдодаги майор Маҳмуд Зуфаров, солдат Акрам Аҳроров ва бошқалар алангали йиллар ҳақида гапириб берадилар.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 5 даража иссиқ бўлди, Бугун кечаси 3—5, эртага кундузи 6—8 даража иссиқ бўлади.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Олий Совети Президиуми Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1985 йилни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти йили деб, 1986 йилни эса Халқаро тинчлик йили деб эълон қилганлиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико раислигида СССРда БМТ йилини ва Халқаро тинчлик йилини ўтказиш комиссиясини тузди.

ШАХМАТ

ФИДЕ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ)нинг президенти Ф. Кампоманес жаҳон чемпиони А. Карпов билан тож даъвогари Г. Каспаров ўртасида жаҳон биринчилиги учун ўйинни 48 учрашувдан сўнг тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилди. «Спорт» меҳмонхонаси мажлислар залида 15 февраль куни совет ва чет эл журналистлари учун ўтказилган матбуот конференциясида у шу ҳақда маълум қилди.

1985 йил сентябрь ойининг бошида улар ўртасида янги ўйин бошланиб, шу ўйин натижасига кўра, 1985—1986 йиллар жаҳон чемпиони эълон қилинади. Янги ўйин регламенти тўғрисидаги масала август ойида Австриянинг Граци шаҳрида бўладиган ФИДЕ конгрессида муҳокама қилинади, деди Ф. Кампоманес.

ФИДЕ президенти Карпов—Каспаров ўйинлари шундай мусобақаларнинг барча рекордларидан ўзиб кетди, деб таъкидлади. Бу ўйинда ҳеч қачон бўлмаганидек кўп учрашув ўтказилди, ҳар қачонгидан кўп дуранг натижалар қайд этилди. Баҳс беш ойдан кўпроқ вақт давом этди, учрашув қатнашчиларининггина эмас, балки шу ўйинга дахлдор кишиларнинг ҳам жисмоний, ҳам психологик чидамлилиги ҳам тугаган бўлса керак.

Иккала шахматчи ҳам, деди Ф. Кампоманес матбуот конференциясида, илгари шундай мусобақаларда қўлланилган регламентдан икки ҳисса узоқ давом этган ўйинни давом эттириш истагини билдирдилар. Шунда мен ўйинни тўхтатиш ва яна чексиз муддат давом этиши мумкин бўлган мусобақанинг келгуси тақдирини ҳал қилиш тўғрисида ўйлаб қолдим. Мен бу ўйинни тўхтатиш керак, деган хулосага келдим. Айрим кишилар ўйин даъвогарнинг қўли баланд келган пайтда тўхтатилди, дейишлари мумкин, бироқ мен эътироз билдира оламан: бугун шахматчилардан бирининг қўли баланд келса, эртага эса иккинчиси худди шундай вазиятга эга бўлади. Мен барча ҳолатларни батафсил ўйлаб кўриб, шундай қарорга келдим. Шу қарорга келишимга мени ҳеч ким ундагини йўқ. Мен ўз ишим учун жавоб бераман ва улар учун тўла масъулият ҳис қиламан. Халқаро шахмат федерациясининг устави ва қоидаларига асосан, президент мураккаб шароитда қарор чиқариш ҳуқуқига эга. Мен барчани қаноатлантира оламан, деб умид қила олмайман. Бироқ мен шундай қарор қабул қилишим шарт эди.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ XVI ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛМОҚДА?

Ишлаб чиқаришда юксак тартиб ва интизом учун

ВИЖДОНИЙ БУРЧ

«Маҳсулотнинг сифатига, унинг турларини кўпайтиришга дуруст эътибор берилмаяпти, кўпгина корхоналар сотилмасдан омборда касод бўлиб ётган маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳамон давом эттирмоқдалар. Бу гап, жумладан, енгил, маҳаллий, мебель саноати ва бошқа тармоқларнинг корхоналарига тааллуқлидир».

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми материалларидан).

Тошкент упа-элик фабрикаси Ўрта Осиёдаги шу хилдаги йирик корхоналардан биридир. Унинг замонавий машина-механизмлар билан жиҳозланган цехларида 800 дан ортиқ ишчи ва инженер-техник ходим меҳнат қилиб, фаровон турмушимизда зарур бўлган пардоз маҳсулотлари ишлаб чиқараяпти.

Корхона 60-йилларда атиги ўн миллион сўмликка яқин маҳсулот берарди. Шундан бери бу ерда катта ўзгаришлар рўй берди. Аввало, коллектив замонавий талаблар асосида қурилган янги бинога кўчиб ўтди. Натижада ҳам ишчилар миқдорини кўпайтириш, улар учун қулай меҳнат шароитлари яратиш, ҳам ишлаб чиқаришни юксалтириш, буюмлар ассортиментини кенгайтириш имкони туғилди.

Ўтган йили фабрика 34 миллион сўмликка яқин маҳсулот ишлаб чиқариб реализация қилди. 120 хилга яқин бу парфюмерия буюмлари республикамиз ва иттифоқимиздаги юзлаб буюртмачиларга етказиб берилди.

— Кейинги пайтларда фабрикада маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат самарадорлигини ошириш бўйича қандай ишлар амалга оширилди?

Ушбу саволимизга фабрика бош инженери Борис Иванович Полешчук шундай жавоб берди:

— Корхонамизда ташкилий-техник тадбирлар плани изчил амалга оширилмоқда. Бу ўз навбатида бизга маҳсулот сифатини анча яхшилаш, ассортиментини кенгайтириш, меҳнат самарадорлигини ўстириш имконини бераяпти. Жумладан, ўтган йили фабрикамизга чет элдаги «Херленд» фирмасида тайёрланган линия ўрнатилганлиги муҳим янгилик бўлди. Бу бизга кремлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини берди.

Илгари бизда йилига қисма флаконларда уч миллионта вазелин ишлаб чиқариларди, бу эҳтиёж даражасида эмасди, айниқса пахта йиғим-терими пайтида республикамизда вазелин етишмай қоларди. Шу сабабли ўтган йили помадалар ишлаб чиқариладиган цехда коллектив кучи билан банкаларда вазелин ишлаб чиқарадиган ярим автоматик линия монтаж қилинди. Натижада вазелин ишлаб чиқаришни илгариги 3 миллион донадан 10 миллион донага етказиш имкони туғилди.

Булардан ташқари ўтган йили қимматбаҳо ва эҳтиёжкам бўлган буюмларни тайёрлашни камайтириш, харидоргир буюмларни кўпайтиришга эътибор берилди. Жумладан, «Гармония», «Однажди», «Легенда» духилари откритка-ларда, шунингдек чиройли ва бежирим ғилофларда пульвизираторли қилиб ишлаб чиқарила бошланди. Бундан ташқари кўп ишлатиладиган «Фиалка», «Тройное», «Сирень» атирларини тайёрлаш ҳам кўпайтирилди.

Келгусида эркаклар учун кремлар, «Кристальний» атири, сочни жингалак қилишда ишлатиладиган «Локон» препарати, «Онажоним» духиси ва бошқа аҳоли учун зарур буюмларни ишлаб чиқариш режалаштириляпти.

Дарҳақиқат, фабрика коллективи кенг истеъмол буюмларига бўлган эҳтиёжни қондириш, ишлаб чиқаришни тинмай юксалтириш учун маълум ишларни амалга ошираяпти. Лекин бош инженернинг юқоридаги сўзларидан коллектив фаолияти ҳар жиҳатдан рисоладагидек, деган маъно чиқмаслиги керак. Ҳали бу ерда буюмлар сифатини яхшилаш йўлида анча иш қилиш лозим. Буни шундан ҳам билса бўлади-ки, ҳозир корхона 10 процентгина маҳсулотни юқори сифатда тайёрлаяпти. Ўтган йили кўпгина кўрсаткичлар бўйича топшириқлар адо этилгани ҳолда, чакана савдо плани 2 миллион сўмга бажарилмади. Бу асосан корхона савдонинг шу кунги талаблари даражасида буюмлар ишлаб чиқаролмаганлиги сабабли юз берди. Буни товарлар сифати бўйича Давлат инспекциясининг республика бошқармаси ўтказган текширишлар ҳам очиқ-ойдин кўрсатиб турибди. Жумладан, ўтган йилнинг ўн ойи мобайнида Давлат инспекцияси реализация учун тайёрланган 1000 та «Светлана» атирини ва 3 мингта вазелинни брак қилди. Бу буюмлар стандарт талабларига жавоб бермасди, миқдори белгиланганидан 12 процент кам эди. Брак қилинган ва ишлаб қолинган маҳсулотларнинг умумий миқдори 4.784 сўмни ташкил этди.

Корхонада хом ашё сифати яхши назорат қилинмайди. Атир ва духилар учун асосий компонент— композиция таъминотчидан анализсиз ва паспорт-сертификатсиз қабул қилинади. Атир ва духилардаги композициялар аниқланмайди. Косметик вазелин ишлаб чиқилиб, тасдиқланган технологик инструкция асосида тайёрланмаяпти. Фабрика техника контроли томонидан амалга оширилаётган назорат савдога стандарт талабидаги маҳсулот етказиб беришни таъминламаяпти.

Ишлаб чиқарилаётган упа-элик маҳсулотларининг сифатини яхшилаш бўйича белгиланаётган тадбирлар тўла бажарилмай қолаяпти. Мана, кўп вақтдирки, фабрикада хом ашё, шиша идишлар **ва гофро-тараларни сақлашда қоидани бузиш ҳоллари бартараф этилмаяпти.** Улар ҳозиргача фабрика территориясида очиқ ҳавода сақланмоқда. Тайёр маҳсулотлар эса омборларда бетартиб сақланмоқда.

Фабрика томонидан стандартга мос келмайдиган маҳсулот ишлаб чиқариб, реализация қилиш ҳоллари савдо корхоналари текширишларида ҳам аниқланмоқда. Жумладан, Октябрь район базасида сифати кўнгилдагидек бўлмаганлиги сабабли 2985 та «Шипр» ва 200 та «Наргиз» духиси брак қилиниб, савдодан олиб ташланди. Бу буюм бир хил рангга эга эмас, ипир-ипир чўкиндиси бор. Оржоникидзе районидаги «Дўстлик» савдо марказида эса анчагина лаб помадаси савдодан олиб ташланди.

Бундан ташқари Давлат инспекцияси адресига иттифоқдош республикалардаги турли савдо корхоналари ва ташкилотларидан упа-элик буюмларининг сифатсизлиги тўғрисида 20 та рекламация олинди. Булар орасида Куйбишев, Тюмень, Чита, Омск, Курган савдо базалари бор. Харидорлар фабрика буюмлари ичида ортиқча нарсалар (шиша синиқлари, қора нарсалар, ҳар хил бошқа чўкиндилар) борлигидан, флаконлар яхши бекилмаслиги, ғилофлари ифлослиги, атирларда пульвизатор ишламаслиги каби нуқсонлари борлигидан, маркировкадаги сўзларни ўқиб бўлмаслигидан нолишаяпти.

Стандартга тўғри келмайдиган маҳсулот ишлаб чиқариш фактлари бўйича Давлат инспекцияси корхонага беш марта иқтисодий санкция эълон қилди. 13,9 минг сўмлик маҳсулот планнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботдан чиқариб ташланди. Сифатсиз маҳсулот реализация қилишдан олинган 1,2 минг сўм фойда Давлат бюджети даромадига ўтказилди.

Бу фактлар фабрика маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари ҳали коллектив фаолиятини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми талаблари асосида ташкил этолмаётганликларини, коллективда план, ишлаб чиқариш ва технология интизомини мустаҳкамлаш, кадрларнинг масъулияти ва касб маҳоратини ошириш бўйича кўп ишлар қилиниши зарурлигини кўрсатиб турибди.

Корхона раҳбарлари билан гаплашганда ишлаб чиқаришдаги камчиликлар, айниқса маҳсулот сифати ҳақида сўз борадиган бўлса турли баҳоналарни рўкач қилишни яхши кўришади. Бу баҳоналар орасида объективи ҳам, субъективи ҳам бор.

Аммо фабрика раҳбарлари шуни унутмасинларки, зиммадаги вазифага юксак масъулият билан, виждонан муносабатда бўлиш ишлаб чиқаришда юксак тартиб ўрнатишнинг, аҳолига манзур бўладиган ажойиб буюмлар тайёрлашнинг асосий гаровни бўлиб қолаверади. Ҳамон шундай экан, корхонада ишлаб чиқаришни ташкил этганда масаланинг мана шу томонига эътибор бериш, ўз вазифасига сидқидилдан қарамайдиган, ғирромлик, манфаатпарастлик йўлини тутадиганларга қарши муросасиз кураш олиб бориш ва шу асосда меҳнат ва технология интизомининг юксак талаблар даражасида бўлишини таъминлаш керак.

Корхона беш йилликнинг якунловчи йилида 37,7 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиши керак. Бу катта вазифа муваффақиятли бажарилиши учун коллектив қунт ва ғайрат билан меҳнат қилиши, айниқса маҳсулот сифатини кўтаришга алоҳида эътибор бериши лозим. Шуни таъкидлаш керакки, сифат — жуда кенг маъноли тушунчадир. Бу проблема хўжалик фаолиятининг ҳамма соҳаларини ўз ичига олади. Шу боисдан хўжалик юритишнинг бутун системаси, инженер ва технологларнинг кучғайратлари, ишчиларнинг маҳорати ана шу муҳим кўрсаткични кўтаришга қаратилиши лозим. Ана шунда фабрика харидорга манзур буюмларни кўплаб тайёрлашга муваффақ бўлади, халққа кенг истеъмол буюмлари етказиб беришни кўпайтиришдек муҳим ишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган бўлади.

З. ТИЛЛАХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг товарлар сифати бўйича Давлат инспекцияси республика бошқармаси бош инспектори.

А. ЭГАМНАЗАРОВ,
«Тошкент оқшоми» мухбири.

КПСС XXVII съезди ва Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасида «Ташсельмаш» заводи ишчи-хизматчилари ҳам муваффақиятли қатнашмоқда. Корхонанинг цехларида берилган топшириқларни муддатидан илгари бажарилиши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатли бўлиши учун фидокорона меҳнат қилиняпти. Заводда ташкил этилган социалистик мусобақада 3-цех коллективи байроқдорлик қилиб келмоқда. Бу цехда кўплаб ўз ишини биладиган тажрибали ишчилар меҳнат қилишаётир. Улар кунлик меҳнат нормасини ортиғи билан бажаришиб, ўз ҳамкасбларига ўрнак бўлишаётир

СУРАТДА: цехнинг бир группа илғор ишчилари. Улар айни шу кунларда 1986 йилнинг апрель ойи ҳисобига меҳнат қилишаётир.

* * *

Пойтахтдаги тўқимачилик комбинати— йирик саноат корхоналаридан бири ҳисобланади. Бу ерда харидорлар томонидан севиб олинадиган газламалар кўплаб ишлаб чқарилмоқда. Айни шу кунларда комбинат цехларида баҳорги-ёзги мавсум учун газламалар тўқиш авждда.

СУРАТДА: корхонада ташкил этилган социалистик мусобақа илғори Шарофат Саидваққосова. У сифатни назорат қилиш бўлимида меҳнат қилиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатли бўлишида жонбозлик кўрсатаётир. У кунлик смена нормасини 125—130 процент қилиб бажарилишига эришмоқда.

А. Тўраев ва В. Сироткин фотолари.

МЕҲНАТДА ПЕШҚАДАМЛАР

— Инсон қадри лавозими, ёши билан белгиланмайди, Маълумахон, — деди сочларига нукра қўнган, манглайини ажин босган аёл, ўйчан кўзларини рўпарасида ўтирган кўҳлик жувонга тикиб. — Гапларимни кўнглингизга оғир олманг, ўргилай. Қани айтингчи, Суннатилла ака ҳақида нимани биласиз!

Ўртага сукунат чўкди. «Шарофхон опанинг бу саволи бежиз эмас, хаёлидан ўтказди жувон, — Суннатилла ака билан цех ташкил бўлгандан буён ишлаб келади-ю, уни билмайдими! Бунда бошқа маъно бор».

— Онажон, пайқаб турибман, ёшлик— ғўрлик қилиб, мураббийимиз Суннатилла ака Раҳматуллаевга нисбатан оқил иш тутмаганга ўхшаймиз. Илтимос, кўнглингиздагини очиқ айтаверинг.

Она сухбатдошига синовчан боқиб, унинг осойишта, самимий гапираётганига ишонч ҳосил қилгач, дилини очди:

— Авваламбор, Суннатилла ака, менинг бу ерга келганимни билмасин, ориятли одам, хафа бўлиши мумкин.

У цех бошлиғи Маълумахонинг бироз ранжиб айтган юпанч гапларини тинглаб, унинг астойдил холис одамлигига яна бир бор ишонгач, давом этди.

— Бу, ёлғиз менинг фикрим эмас, кўпники, қизим. Шу Суннатилла акани, яна катталар ўзларингиз биласизлар-ку, кўнглига қараб, раҳмдиллик қилиб, ҳозирча жойидан силжитмасаларингиз. Бу шунчаки гап эмас. Мен сизга ҳаммасини тушунтириб бераман.

«Фалончи саводсизликка қарши курашда, паранжини ташлашда, корхонани ташкил этишда қатнашган» қабилида кўп гапирилади. Лекин, аксари хўш, ўша вақтларда очиқ-ойдин, аниқ қандай фойдаси теккан, нима хизматлари бор, салмоғи фарқ қилинмайди. Ё бўлмаса, катта фавқулодда бўлиб қолган бирон-бир воқеада иштироки қидирилади. Айтайлик, ўт ўчиришга қатнашганми, сувга чўқаётганни қутқазганми ёки... Шундайларни ёзишади, мақташади, мукофотлашади. Яхши қилишади. Ҳеч ким қаршимас, бу ишларни ҳам ҳамма қилавермайди. Аммо, бунчалик кўзга ташланмаса ҳам, фойдаси ундан қолишмайдиган хизматлар ҳам бўлади-ку. Нега уларни бирдай инобатга қўшмаймиз, муносиб тақдирламаймиз, кишининг қадрини ҳал этаётганда ҳисоба олмаймиз, турмуш тарзини бошқа ўзанга бураётганда тарозига солиб кўрмаймиз.

Она бироз қизишиб кетганини пайқаб, тўхтаб, пешонасига, лаблари устига чиққан тер маржонини оҳиста артиб, «Бошлиқ нима деркин!» деган савол назари биланган жувонга зимдан қаради. У эса стол устидаги қаламни бармоқлари остига олиб, ерга тикилганча ўйга чўмиб ўтирарди. Ҳамсуҳбатининг жимиб қолганини сезиб, бошини кўтарди.

— Тўғри айтасиз, устоз. Гапингизни мен ҳам ўйланиб қолдим. Баъзан унвони, ордени борми, депутат бўлганми, деб қоламиз. Бундай юксак мукофотлар насиб этмаган, лекин ўша тақдирланганлар қатори халол, фидокорона меҳнат қилиб умр кечиранлар озмунчами. Белгиси бўлмаса ҳам умр мазмуни хизматлари салмоғи, камтарлик билан топган камоли, обрўси, эзгулик тимсоли бўлиб қолган номи борку.

Онанинг кўзлари ёниб, жонланиб, ўрнашиб ўтириб олди.

— Ҳа, ўлманг қизим. Тушунган одамнинг садағаси кетсанг арзийди. Суннатилла ака ана шундай қаҳрамонлардан, эл хизматкорларидан, чин коммунистлардан. Бекорга коллективимиз у кишини «Дада», «Артель амаки» деб атамайди.

Икки шогирд Суннатилла аканинг таржимаи ҳолини яхши билишарди. Суннатилла Ҳофизкўйки маҳаллалик камбағал косиб Раҳматулла отанинг ёлғиз ўғли бўлган. Онаси Тўхтахон ача дўппи тикиб эрига кўмаклашган. Раҳматулла ота тиккан ковуш, этик билан, она тайёрлаган «Марғилон», «Чуст» дўппиларнинг таърифи Тошкентнинг тўрт даҳасига кетган эди. Уларнинг қўлидан чиққан буюмлар буюртмачилардан ортмас, бозорга чиқмас эди. Нафақат камбағаллар, ўзига тўқроқ оилалар ҳам қўли гул усталарга ўз фарзандларини шогирдликка олиб келишар, косиблик, чеварлик ҳунарини ўргатишни илтимос қилишар эди. Сахий, одамохун хонадон соҳиблари жон-диллари билан устозликка рози бўлишар, ҳунарларнинг энг нозик сирларигача эринмай, шогирдларига қунт, сабр-тоқат, ширин сўз билан ўргатишарди.

Улуғ Октябрь ғалабаси йили тўрт ёшда бўлган Суннатилла янги тузумнинг буюк ғамхўрликларидан баҳраманд ўсади. Маҳалласида очилган совет мактабида ўқийди. Синчков, математикани севган, оғиртабиат, муомалали Суннатилла республика Молия халқ комиссарлигига қарашли курсда ўқишни давом эттиради. Курсни нуқул аъло баҳоларга битирган Суннатилла Давлат меҳнат омонат кассалари соҳасида ўз меҳнат фаолиятини бошлайди. Отаси вафот этиб, дўппи тикиб рўзғор тебратаётган онаси боласини уйлантириш ҳаракатига тушади. Бир куни кечки пайт ишдан қайтаркан, «Суръат» маҳалла комитетининг идораси олдида тумонат одам йиғилган. Кимнингдир қаттиқ-қаттиқ гапираётгани эшитилади.

— Вой, менга қара, нима сенларни бу занфалардан бўлак дарди-амалларинг йўқми. Ҳали паранжини ташла, ҳали саводингни чиқар, энди янгиси — артелга кирмиш! Ишчи сафига қўшил эмиш!..

Суннатилла уйига хомуш, асаби қақшаб кириб борди. Онаизор бунга дарров пайқади.

— Тинчликми ўғлим! Саломатлигинг яхшими. Нима гап!

— Ҳеч гап йўқ, ойижон. Ҳаммаси жойида. Маҳаллада бўлган бир воқеани кўриб, таъбим хира бўлиб кетди. Ўғил кўрган, эшитганларини онасига гапириб берди.

—Вой болам, кўчадаги, бировларнинг гапига ҳам одам шундай куядими. Ўзинг ҳақ йўлда бўлсанг басда, болам. Ўтир, овқатингни ич, қорнинг ҳам очиб кетгандир, кеч қолганингга хавотир олиб ўтирмадим.

— Ҳаҳ, ойижон, ойижонгинам, Сиз тушунмайсизда. У илгари ҳамонда эди, ҳамма ўзини ўйлардди, ўлиб кетса ҳам биров билан бировнинг иши бўлмасди. Энди бошқа замон, давлат кимники — ишчи-деҳқон, эмёлиники, яъни сиз билан бизники. Наҳотки, ўз давлатимизга қайишмай, четда томошабин бўлиб қараб турсак. Йўқ, тушунган, қўлидан келган ҳар бир киши Советлар учун, янги тузум, янги талаблар учун мадад бўлиши керак.

— Тушундим, замонангдан ўргилай, унга қасд қилганлар паст бўлсин. Аданг раҳматлик айтардилар, бирон чигал иш чиқиб қолса, қизишишдан, шошма-шошарликдан фойда йўқ, дўппини олиб қўйиб, ўйлаб, маслаҳатлашиб ечиш керак, деб.

Шу тобда Тўхтахон ая ҳам ўғлига қандай йўл кўрсатишни, нима қилиб бўлса ҳам ёрдам беришни ўйлаб, пилта чироқ ёғдушогирдларингиз бор, ёш-ялангларнинг ота-онаси сизга ишонишади. Хуллас, ёрдам бераман десангиз фойдангиз теккандан тегади. Гапнинг очиғи мен ўзим ҳам касбимни ўзгартириб, шу соҳага ўтаман. Ўйлаб қарасам, бу борада, ҳукуматга фойдам кўпроқ тегадиганга ўхшайди. Келинингиз — Умрихон ҳам борса!..

Она-боланинг ташаббусни Октябрь район партия комитети қизғин маъқуллади. Ача келини билан ўша атрофда биринчилардан бўлиб артелга кирди. Ўйлаб иш қиладиган, оқила аёлнинг артелда ишлай бошлагани, ҳар ўн беш кунда, ойда олиб турадиган иш ҳақи, турли мукофотлар тўғрисидаги холис ҳикоялари, дўппига керакли ипак, сатин, қўйингчи, ҳамма нарсаларни қидириб, сарсон бўлиб юрмаслиги, хоҳласа уларни уйга олиб келиб бериб, тайёр бўлгач ҳақини тўлаб олиб кетишлари борасидаги гаплари кўпларни устозлари кетидан эргаштиради. Суннатилла онасига бу борада йўл-йўриқлар кўрсатиш билан бир қаторда, маҳаллаларда артелнинг цехларини очишга киришади. Ўша вақтларда «Октябрь 40 йиллиги», «Кўкча» маҳалла комитетларига раислик қилган Абдуқодир акага, Ғулом отага учрашиб, уларнинг кўмагида чевар аёлларни ишга тортади. «Кўкча» маҳалласида алоҳида дўппи цехи очилиб, унда Суннатилла Раҳматуллаевнинг ўзи цех бошлиғи бўлиб ишлайди.

Улуғ Ватан уруши бошланди. Суннатилла жангга отланди. Украина ерларида душмандан қасос олиш учун Ватан ҳимоясига киришади. Фурсат ўтиб, қаттиқ ушлаб қолган бод касали уни ойлаб ўрнидан турғизмай қўйди. «Энди фронт орқасида курашасиз!» дейишди шифокорлар, унинг қайтмайман, тузалиб яна жангга кираман, деб ўжарлик қилишига қарамай. Тенгқурлари қатори курашни давом эттиролмай, «замбил»да уйга қайтган Суннатилла, кам-кам ҳаракат қилиб, қақшаган оғриқдан неча бор ўзидан кетиб йиқилиб, сурилиб, охири ўтирадиган, бора-бора секин-секин азоб билан бўлса ҳам юрадиган бўлди дегунча артелга борди. Маҳаллама-маҳалла, уйма-уй юриб артелни ташвиқот қилган, ишга ўрганмаган «асов» кишиларни меҳнатга чорлаган вақтида олган номи — «Артель амакини» Сағбон кўча биринчи тупиқдаги «Ударник» бадиий бўюмлар артелининг ишчи-хизматчилари кўзларда севинч ёшлари билан кутиб олишди.

Суннатилланинг ташаббуси билан артель жангчилар учун душман кўзидан яширинган ўнлаб ойиладиган халатлар, ички кийимлар тикишга кўчди. Қанча керак бўлса, ҳеч қулоқ қоқмай, ўшанча тайёрлаб беришга аҳд қилишиб, кечасию кундузи бола-чақаларини билан ишлашди.

— Ўша вақтда, машинага оёғим етмас, опам билан келиб ёнида, қўлимдан келган ишни қилиб ёрдам бериб юрардим, — деб эслайди Саодат Тоҳирова, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, Ленин ордени кавалери, ҳозир ўзи юзлаб чеварнинг мураббийси. — Бир куни ёнимдан ўтиб бораётган цех бошлиғи «Артел амаки»ни кўрмай ашула айтиб қолибман «Фабрика даврида, толмай иш кўрсатиб қол!» деб. Бу гап Суннатилла ака Раҳматуллаевга ёқиб, эртасигаёқ ишга қабул қилганлар. Кўрсалар, ҳозир ҳам ўша қўшиқни айтиб қўядилар. Ажойиб, меҳрибон одам.

Маълума қаршисидаги мезбон, нега «Дада» дейишларини ҳам айтиб берди.

— Суннатилла ака, эрта билан ишга келганда, гапни томдан тараша тушгандай, ишдан, кимнинг бор-йўқлигидан бошламасди. Сиҳат-саломатликларини, нима ёрдам зарурлигини оталарча ғамхўрлик билан самимий сўраб-суриштириш одат эди. Агар бирон-бир қўл машинаси бўш турган бўлса, айланиб чиққач, дарҳол унинг эгасидан хабар олардик. Бир куни ишга келолмай қолган илғор ишчи, моҳир чевар Хайри Собировнинг уйига борди. У катта кўчага туташ уйнинг девори ағанаб, яримта ғиштни кўтариш у ёқда турсин, ўзини зўрға эплаб юрадиган гўдаклари билан, девор гувалаларини териб, кўчани тозалаяпти, у ҳам майли ўтин, кўмир йўқ, совуқ, кечаси қаерда ётади. Суннатилла ака гўдакларни уйига олиб бориб, болажон хотини Умрихонга топшириб, ўзи ғишт қидириб кетади. Кечга яқин топади-ю, иморатни тезлаб, деворини тиклатишга улгурмайди. Шу орада икки-уч кун уйида ўтириб қолган ишчи аёлнинг оталарини соғинган норасида, беғубор болалари уни беихтиёр «Дада, дада» деб атай бошлашади. Бу илиқ гап, тезда маҳаллага, ишхонага тарқалади. Кўп ўтмай Суннатилла аканинг меҳрибончилигидан, меҳр-оқибатидан, ширин нони бўлмаса ҳам ширинсўзидан баҳраманд бўлган ишчилар, хизматчилар ўз миннатдорчиликларини шу азиз—«Дада» сўзи билан ифодалай бошлайдилар. Суннатилла ака бутун коллективга «Дада» бўлиб қолади.

— Маълумахон синглим, дадасининг ҳурматини, иззатини оқлашга интилмаган одам борми. Йўқ, деса бўлади. Ҳозир Суннатилла «Дада»ни «фарзанд»лари, «невара»лари ишлаяпти фабрикангизда. Суннатилла аканинг шундай бир кўринишининг ўзи одамларнинг руҳини кўтаради, ғайратига- ғайрат қўшади. Коммунистга хос ҳалоллик, қатъийлик, виждон амри билан иш тутишини айтмайсизми. Ўтган эллик йил давомида қанча одам келиб-кетди аввал артелга, кейин ҳозирги Тошкент бадиий буюмлар фабрикасига.

Кам ҳам бўлгани йўқ. Мана кўксида ҳукуматимизнинг медаллари, қўлида фахрий ёрлиқлар, қанчадан-қанча раҳматномалар. Бу кишиларнинг адолатпарвар одамлигини районгина эмас, балки бутун шаҳар билади. Бўлмаса Тошкент шаҳар судига маслаҳатчи қилиб бир эмас, ўн марта сайлашармиди. Йўқ.

Ҳадемай, Улуғ Ватан урушида қозонган Буюк Ғалабамизнинг 40 йиллигини байрам қиламиз. Бу улуғ айёмларнинг бизга насиб этишида жон бериб-жон олган кишиларни аввалаб ардоқлаш, уларга ғамхўрлик қилиш тўғрисида партия ва ҳукуматимиз қарорлар чиқариб, уни моддий, маънавий жиҳатдан мустаҳкамлаб амалга ошираётир. Шундай бир пайтда пенсия олаяпман, энди борақолай десалар рози бўлмай турсак ютармиканмиз, дейман. Ётиб қолган бўлмасалар, ваҳоланки бу одам ётиб қолганда ҳам адашган бўлмасалар, катта-кичик демай берган ишларингизни бажариб турган бўлсалар, кўп кишилик коллективда, наҳотки бу кишини ушлаб туролмасак. Тўғри, киши кексайганда кўнгли нозик бўлиб, ёш боладай бўлиб, яхши гапнинг гадоси бўлиб қолади. У киши эллик йил фабрикада раҳбар лавозимларда ишлаб, бизнинг инжиқликларимизни кўтариб, кечириб келсалар-у, биз бунинг қадрига етмасак. Оналари, рафиқалари вафот этиб, қизлари Жамилахон мустақил ҳаёт қуриб, коллектив «ота-она» бўлиб турганда ёлғизлатиб қўйсак, одамлар нима дейди!..

— Тўғри айтасиз, онажон, ўзлари шуни хоҳладилар, деб қайси бирларига тушунтириб улгурамиз,— деди цех бошлиғи. —Бошлари омон бўлсину бағримизда юраверсинлар.

Республика қурилишларида

ЗАВОД ИШГА ТУШДИ

«Тошкент трактор заводи» бирлашмасининг филиали —Ленинск прицеплар заводида бош йиғув конвейери ишга туширилди. У каттакон ёруғ корпусни эгаллади —республика корхоналарида бундай корпуслар ҳозирча оз. Марказда 70 метрдан ошадиган пўлат лента тўхтовсиз секин ҳаракат қилиб туради. Унинг устида кранбалкалар ўрнатилган. Том устида эса улкан мостовой кран юриб турибди. Конвейер бошига деталлар тушиб туради, унинг охиридаги темир йўл эстакадаси ёнига тайёр маҳсулот чиқиб туради. Конвейернинг тезлиги бир кунда янги моделда 10—12 трактор прицепини йиғишга имкон беради.

— Конструкция Тошкент Трактор бирлашмасида ишлаб чиқилган бўлиб барча замонавий талабларга мос келади,— дейди заводнинг бош инженери О. Б. Колушев. —Ҳозирги прицепнинг сиғими аввалгисига нисбатан 1,4 баравар оширигани — у терим машинаси икки бункеридаги юкни сиғдира олади. Чунончи ағдарилган пахтани шиббалашга эҳтиёж йўқ— сурма бортлар шу ишни бажаради. Пневмотормоз системаси трактор поездларини ҳайдаб кетаётганда пухталикни таъминлайди — башарти прицеп узилиб кетса, ундаги қисилган ҳаво запаси прицепни дарҳол тўхтатишга кифоя қилади. Механизаторлар барча юк ортиш—туширишларини трактор кабинасидан чиқмай бошқара олади.

Технологик участкалар энг янги машина-ускуналар билан жиҳозланмоқда. Уларнинг кўплари автоматлаштирилади ва роботлаштирилади. Масалан, бешта пресс қатор қилиб қўйилади-ю, битта линияга боғланади. Металл болванка ана шу прессларга ўтиб, тайёр деталга айланади. Бу линияни биргина оператор бошқаради. «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси унинг учун зарур машина-ускуналарни тайёрламоқда.

Келгусида бу заводда 7 мингтадан кўп киши ишлайди. Ҳозироқ 1200 киши меҳнат қилмоқда. Тажрибали ишчилар уларнинг озгина қисмини ташкил қилади.

Шу мақсадда заводда анча ишлар қилинмоқда. Жумладан, меҳнатни ташкил этиш бригада формаси муваффақият билан жорий этилмоқда —ишлаётганларнинг ярмидан кўпи ана шу формага ўтган.

Ленинск заводи қурилмоқда ва ишламоқда. Яна бир неча йилдан сўнг у мамлакатда етиштирилган жамики пахта ҳосилига «арава» етказиб берувчи асосий корхона бўлиб қолади.

К. НИЗОМОВ,
А. СКОРОБОГАТОВ,
ЎзТАГ мухбирлари.

Йиллар ва тақдирлар

Артель амаки

очерк

● Расул РАҲМОНОВ.

Адабиёт ва Санъат

ШОНЛИ ФАРЗАНДГА БАҒИШЛАНАДИ

«Михаил Фрунзе тўғрисида замондошларнинг эсдаликлари, очерклари, мақолалари». Профессионал революционер, 1904 йилдан партия аъзоси, атоқли саркарда, йирик давлат арбоби М. В. Фрунзега бағишланган китоб шундай деб аталган. Китобга таниқли партия, давлат арбоблари ва ҳарбий арбобларнинг, шунингдек Фрунзе қариндошларининг эсдаликлари киритилган. Уларда В. И. Ленининг сафдоши, ишчилар синфи иши учун матонатли курашчининг ёрқин образи тасвирланади.

Оммавий китобхонга мўлжалланган бу асарни снёсий адабиёт нашриёти чиқарди.

МУЗЕЙ ЗАЛЛАРИДА ЭКСПОЗИЦИЯ БОЙИМОҚДА

Классик шоирларимизга бағишланган экспозициялардан бирида жаҳонгашта аллома Заҳириддин Муҳаммад Бобур зали мавжуд. Бу зал экспозицияси йилдан-йилга бойиб бормоқда. Музейдан ўзига муносиб ўрин эгаллаган экспонатлар томошабинларга манзур бўлмоқда. Таниқли рассом Малик Набиевнинг «Бобур» портрети ўзининг оригиналлиги билан ажралиб туради. Портретда рассом Бобурни йирик шоир, қомусий билим соҳиби, шу билан бирга замонасининг улкан маданият арбоби сифатида тасвирлаган.

Музей илмий ходими Баҳодир Валиев томонидан яратилган ва яқинда нашрдан чиққан «Бобур» буклетида доимо илм-фан, санъат ва адабиёт аҳллари билан яқиндан алоқа тутган, ўзининг ғайрат-шижоати, ўткир зеҳни, нозик таъби, фаолиятининг кўп қирралиги билан кўпчиликни қайратда қолдирган Бобурнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, буклетдан рангли суратлар ҳам ўрин олган.

И. АШРАПОВА,
Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи илмий ходими.

Сўз — жангчи адибларга

ФРОНТДА ЁЗИЛГАН ШЕЪР

Атоқли адиб ва шоир Ойбек юбилейи олдидан газетхонларга қилган мурожаатимиздан сўнг биз кўплаб мактублар оляпмиз. Бизга хат йўллаб, адиб ҳақидаги хотираларини ўртоқлашган барча оқшомхонлар, ижод аҳлига миннатдорчилик билдирамиз. Бундан буён ҳам ардоқли сиймо ҳақидаги эсдаликлар, лавҳалар, шоирнинг эълон қилинмаган асарларини бериб борамиз. Қадрли газетхонларимиз, адабиётшунослар, ёзувчи ва шоирлар, санъат аҳли лутфан тақдим этадиган хотираларга мунтазирмиз.

Бугун Улуғ Ватан уруши йилларида совет жангчилари, юртдошларимизга бадиий хизмат кўрсатиш учун тузилган биринчи ўзбек концерт бригадасининг раҳбари, кекса адиб Музаффар Муҳамедов редакцияга йўллаган икки шеърдан бирини оқшомхонлар эътиборига ҳавола этамиз. Шеър хассос шоир Ойбек концерт бригадаси составида фронтга борган пайтида ёзилган. Мазкур концерт бригадаси программасига киритилган ушбу шеър якка ва кўпчилик томонидан ижро этилган.

ОЙБЕК.

САЛОМ ДЕБ ҚОЛДИЛАР*

Салом деб қолдилар оқсоч оналар,
Эй ўзбек халқининг бургут авлоди.
Қиличдай йигитлар, ботир оғалар,
Сиздадур эрта-кеч боболар ёди.
Салом деб қолдилар гўзал боғчалар,
Сайроқи булбуллар, гулзор майса ҳам.
Меҳнатингиз билан ўсган далалар,
Дейди: ёвни қувсин йигитлар илдам.
Салом деб қолдилар қоматдор қизлар.
Қизларки сочлари тақимга урган.
Кўзлари ҳар онда сизларни излар
Йўқлар тонг елидан, кўкдаги қушдан.
Салом деб қолдилар ота, оналар,
Зафарла қучишсин йигит, келинчак.
Лекин ҳаммасининг бир орзуси бор
Разил ёвни қувмак ва илдам енгмак.
Қувингиз фашистни ботир оғалар,
Қутилсин малъундан гўзал мамлакат.
Қирингиз душманни, эй баҳодирлар
Номингиз тарихда қолгуси абад.

1942 йил.

* Мазкур шеърнинг бу варианти биринчи марта эълон қилинмоқда.

ЮБИЛЯРНИ ҚУТЛАЙМИЗ

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ: «ЧИНАКАМ ИЖОД МАКТАБИ»



Етук адабий танқидчилардан бири, таниқли олим, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати, филология фанлари доктори Ҳ. Ш. Абдусаматов 60 ёшга тўлди.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи ва республика маданият министрлиги олим юбилейига бағишлаб кеча ўтказдилар.

Республика пойтахти жамоатчилиги вакиллари юбилярни самимий муборакбод этдилар. Бир неча мақолалари «Оқшом» саҳифасида эълон қилинган таниқли олим Ҳ. Ш. Абдусаматов таваллуди муносабати билан мухбиримиз уни муборакбод этиб, юбилярга узоқ умр ва сиҳат-саломатлик, янги ижодий муваффақиятлар тилади ҳамда бир неча саволларга жавоб қайтаришни илтимос қилди.

— Ҳафиз Шоаҳмедович, адабиётшунослик, адабий танқидчилик илми олимдан талаб билимларни эгаллашни тақозо этибгина қолмай, балки бу илм йўлида алоҳида меҳр-муҳаббат, ўзига хос истеъдодни талаб қилади. Одатда адабиётга мактаб ёки студентлик партасидан кириб келган, деган фикрлар эшитилиб туради. Адабиётшуносликда эсачи?

— Албатта, мактаб партасидан чиқиб адабиётшунос, адабий танқидчи бўлиш жуда қийин: ҳаётий тажриба керак, турмуш ижир-чиқирларини беш қўлдек билиш, кўпгина махсус фанларни эгаллаш лозим. Лекин, сиз айтганингиздек, одам мактаб партасида ўқиётганидаёқ адабий жараённи ўрганишга ғоятда қизиқади.

Мен ўқиган Фрунзе номидаги 14-мактабда драма тўгараги бўларди. Унда қатнашар эдим. Комил Яшиннинг «Гулсара» асаридан парчалар саҳналаштирганимизда театрни, санъатни жон-дилим билан севиб қолганман. Шундан кейин Ҳамза номли театрда бу адибимизнинг яна бир қатор саҳна асарларини кўрганимдан кейин Комил Яшин драматургиясининг нозик жиҳатларини мукаммал ўрганишга ният қилдим. Менинг санъатдаги, адабиётдаги тўнғич қадамларим ана шу ажойиб адибимиз ва драматургимизнинг ижоди билан чамбарчас боғланган.

Мактабни битирганимдан кейин филология факультетига ўқишга киришга қатъий жазм этдим. Тошкент Давлат университетини, ундан кейин Москва Давлат университети қошидаги аспирантурани битирдим. Ана шу пайтларда ҳозирги замон совет муаллифларининг, чет эл классиклари, албатта ўзбек совет драматургияси ўйича дастлабки асарларим эълон қилина бошланди.

Мактабдаги ўқитувчилар, фан ва адабиётдаги мураббийларимдан омадим ғоятда келганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Тошкентда менинг мураббий устозим Мақсуд Шайхзода бўлса, Москвада машҳур олим, МДУ профессори Л. И. Тимофеев эди.

Пайтдан фойдаланиб, барча асарларимни бирма-бир санаб ўтишни лозим кўрмайман. Яқиндагина Ўйғун драматургиясига бағишланган иккинчи китобимни тугатганлигимни айтиб ўта қоламан. Унда адибимизнинг тарихий пьесалари ҳақида фикр юритилади. Яқин вақтлар ичида нашрдан чиқадиган «Республикада театр танқидчилиги тараққиёти масалалари» китобимни яратишдан катта қаноат ҳосил қилдим.

— Ҳафиз Шоаҳмедович, шу ўринда сиз раҳбарлик қилаётган Ҳамза номидаги санъатшунослик институтининг олимлари чет элларда ҳамкасблари билан олиб бораётган ҳамкорлик алоқалари ҳақида ҳам бироз гапириб берсангиз. Коллектив фаолиятининг бу жиҳати бизнингча яхши самара беряпти.

— Илмий ходимларимиз совет театри, тасвирий санъати, кино санъати, археологияси, архитектураси тарихини ўрганиш борасида катта ишлар олиб боришмоқда. Бу ишлар Бутуниттифоқ, қолаверса халқаро миқёсда ижобий баҳоланмоқда. ГДР олимлари билан ҳамкорликда «Тасвирий санъатда музика тарихи» китоби нашрга тайёрланди. Француз олимлари эса бизнинг археология борасида олиб бораётган ишларимиз билан қизиқиб қолишди ва шу соҳада ҳамкорликда иш олиб боришни таклиф этишди. Тошкентда ва республикамизнинг бошқа шаҳарларида ўтказилаётган ҳар хил анжуманлар, конференциялар, учрашувларда қатнашаётган Афғонистон Демократик Республикаси фанининг ёш вакиллари, ва бошқа кўпгина мамлакатларнинг олимлари билан олиб бораётган илмий алоқаларимиз кенгайиб бормоқда.

— Суҳбатингиз учун катта раҳмат. Тошкентлик оқшомхонлар номидан сизни яна бир бор муборакбод этамиз!

— Катта раҳмат!

Октябрь районидаги Садриддин Айний номли 84-ўрта мактабда таниқли адиб ва шоирлар билан учрашувлар ўтказиб туриш анъанага айланган.

Бу гал мактаб ўқувчилари ҳузурига Ҳамза номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати, «Гулхан» журналининг бош редактори, шоир Абдулла Орипов меҳмон бўлиб келди. Таниқли шоир мухлисларига янги шеърларидан ўқиб берди, ўқувчилар ўз навбатида унга саволлар билан мурожаат қилишди.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЗАНГОРИ ТРАССАЛАР БЎЙЛАБ

СОФИЯ. БХРнинг савдо флоти жадал ривожланиб, экономиканинг юксак даражада ўсишини таъминлади. Савдо флоти ҳозирги вақтда ташқи савдо юкларини ташийдиган транспортнинг асосий тури бўлиб қолди: денгиз ва дарё йўли орқали мамлакатга олиб келинаётган ва бошқа мамлакатларга жўнатилаётган юкларнинг қарийб 90 проценти ташилмоқда.

Халқ ҳокимияти ташкил этилгандан буён ўтган 40 йил мобайнида Болгариянинг денгиз ва дарё портларидаги причалларнинг умумий узунлиги анча ошди. Бургас, Варна, Руса ва бошқа портларда янги машина-механизмлар фойдаланишга топширилди ҳамда уларда юк ортиш-тушириш ишларини комплекс механизациялашни жорий этиш жараёни деярли тугалланди. БХР денгиз флотининг юк ташиш ҳажми 1,7 миллион тонна, дарё флотининг эса 300 минг тоннадан ошди.

Совет Иттифоқининг кўмагида Варна-Ильчевск ўртасида пором билан юк ташиш ташкил этилган ва у муваффақиятли ишлатилмоқда. У шундай турдаги энг катта денгиз транспорт корхонаси бўлиб, иккала қардош мамлакат ўртасида юкларни узлуксиз етказиб берилишини таъминлаяпти. Кейинги йилларда контейнерлар, лихтеровозлар ёрдамида, «дарё—денгиз—дарё» транспорт кемалари орқали юк ташишдан кенг фойдаланиш БХР сув транспортини ривожлантиришнинг сифат жиҳатидан янги босқичи бўлди.

Болгария сув транспортининг ходимлари қирқ йил ичида жуда катта ютуқларга эришдилар. Уларнинг ишини янада активлаштириш Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ва энг аввало СССР билан биргаликда флотдан фойдаланиш формаларини кенгайтириш асосида интеграция алоқаларини янада чуқурлаштиришга ва ривожлантиришга кўмаклашмоқда.

МЕХАНИЗМЛАР ЯНАДА ПИШИҚ БЎЛАДИ

ХАНОЙ. Вьетнамнинг марказий Куангнам-Дананг вилоятида очилган мамлакатда энг катта қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилиш ва унга қараш станцияларидан бири тракторлар, насослар ҳамда деҳқонлар меҳнатини енгиллаштиришга, уни янада унумлироқ ва самаралироқ қилишга қаратилган машина-механизмларнинг хизмат муддатини анча узайтиради.

Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бу корхона Куангнам-Дананг вилояти деҳқонларигагина эмас, ВСРнинг марказий қисмидаги бошқа вилоятларнинг деҳқонларига ҳам хизмат кўрсатади. Станция қошида давлат хўжаликларида ва қишлоқ хўжалик кооперативларида ишлаб турган механизаторлар ва ремонтчилар малакасини ошириш курслари ташкил этилган. Шу тариқа корхона ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал этишдан ташқари қишлоқда илмий-техникавий билимларни ёйиш соҳасида муҳим марказ ҳамдир.

Ҳозирги пайтда Куангнам-Дананг вилоятидаги сингари қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш станцияларининг кенг тармоғи СССРнинг кўмагида бутун Вьетнамда вужудга келтирилмоқда. Республика далаларида Совет Иттифоқида ишлаб чиқарилган кўплаб тракторлар ва бошқа машина-механизмлар ишлаб турибди. Станцияларда ўрнатилган замонавий асбоб-ускуналар совет техникаси билан бир қаторда Вьетнамда ишлаб чиқарилган машина-механизмларга ҳам хизмат кўрсатиш имконини бермоқда. Ремонт корхоналарида вьетнамлик ҳамкасблари билан бирга тажрибали совет мутахассислари меҳнат қилмоқда. Улар қардош мамлакатнинг ишчи ва инженерларига мураккаб асбоб-ускуналарни ўзлаштиришда кўмаклашиб, профессионал маҳорат сирларини улар билан ўртоқлашмоқдалар.

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

ПРАГА. Шу йил ноябрь ойида Совет — Чехословакия биргаликдаги қурилишининг энг катта объекти— Прага метроси «Учбўрчаги» қурилишининг биринчи босқичи битказилади. Тоннелдар ҳамда «Голибона февраль» станциясидан «Смихов вокзали» станциясигача борадиган «Б» трассаси янги станциялари қуриб битказилгач, ер остида янги қурилиш районларини пойтахтнинг маркази билан боғлайдиган «учбурчак» ҳосил бўлади.

Бу жойлар учун мисли кўрилмаган қаттиқ совуққа қарамай янги трассанинг ер устидаги, шунингдек ер остидаги объектлари аниқ графикка мувофиқ қурилди. Чехословакия ва совет метро қурувчилари янги трассанинг биринчи участкасини ноябрь охиригача аъло сифатли қилиб битказишга қўшма социалистик мажбуриятни олдилар.

* * *

ВЕНА. Бу ерда БМТ наркотик воситалар комиссиясининг навбатдаги 31-сессияси очилди. Сессия ишида комиссияга аъзо 40 мамлакат, шу жумладан СССР вакиллари, шунингдек бир қанча давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар қатнашмоқда.

Сессияда наркотик моддалар контрабандаси, уларни ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланувчи жиноятчи синдикатларнинг фойдалари муттасил кўпайиб бораётганлигидан жиддий ташвишланиш изҳор этилди. Сессия қатнашчилари гиёҳвандлик пайини қирқиш ва унинг олдини олиш билан боғлиқ кўпдан-кўп масалаларни муҳокама қиладилар ва наркотик воситаларни қонунга хилоф равишда реализация қилиш, наркотик моддалар контрабандаси, уни ишлаб чиқариш ва истеъмол этишга қарши кураш тўғрисидаги конвенция лойиҳасини ишлаб чиқишга киришадилар.

* * *

НЬЮ-ЙОРК. АҚШнинг катталиги жиҳатидан иккинчи шаҳри Чикагода сурункасига тўрт йилдан бери ишсизлик муттасил кўпайиб бормоқда. Иллинойс штати иш билан таъминлаш бошқармасининг маълумотларига кўра, Рейган маъмурияти ҳукмронлиги даврида шаҳар 155 минг иш ўрнидан маҳрум бўлган. Чикаголиклар орасида ишсизлик даражаси ҳатто камайтириб кўрсатилган расмий маълумотларга қараганда ҳам ҳозир жамики ёлланма ишчи кучининг 9,8 процентига етади. Бу рақам мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичдан анча ошади.

ПРОГРАММА ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

ҚУВАЙТ. Кейинги йилларда Арабистон Ярим оролида жойлашган унча катта бўлмаган араб давлати — Катарда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида сезиларли силжишлар содир бўлди.

Катар ҳукумати 2000 йилгача қишлоқ хўжалигини ривожлантириш программасини ишлаб чиқди. Шу программага мувофиқ мамлакатда экспериментал давлат фермалари ташкил этилган бўлиб, уларда қурғоқчил районлар учун замонавий агротехника методлари қўлланилмоқда, энг янги қишлоқ хўжалик техникасидан фойдаланилмоқда. Умм—Саид да барпо этилган завод катар деҳқонларига химиявий ўғит етказиб бермоқда, шу билан бирга ўз маҳсулотини Жануби-Шарқий Осиёдаги бир қанча мамлакатларга ҳам экспорт қилмоқда.

Японнянинг Тэнкава қишлоғида олиб борилган қазишмалар натижасида археологлар мингдан ортиқ олтин ҳайкалчалар ва бошқа буюмларни топишди. Топилмалар Хэйан даврига (IX—XII асрлар) тааллуқлидир. Олимларнинг фикрича, қазишмалар натижасида топилган буюмлар ўша вақтдаги японларнинг яшаш тарзи ва турмушини янада яққолроқ тасвирлашга имкон беради. Бундан ўн аср муқаддам яшаган японлар ҳаёти ҳақида янада аниқроқ маълумот олиш учун кузатишлар давом эттирилмоқда.
СУРАТДА: Тэнкава қишлоғида топилган олтин ҳайкалчалар.

КЎР КЎЗ БИЛАН

Финляндиялик рассом Сиркка Пайоу ҳеч қачон ўзи чизган суратларни кўрган эмас. У ёшлигида касаллик туфайли бир умр кўр бўлиб қолган эди. Аммо кўр рассом ўз асарларини ...ҳид сезиш билан чизади. «Ҳар бир ранг, ўзгача ҳидга эга, — дейди у. — Бундан ташқари ранглар ушлаб кўрилганда бир-биридан тубдан фарқ қилади. Масалан, қизил ранг бармоқ учида иликлик пайдо қилса, мовий рангдан совуқлик ҳосил бўлади». Кўпинча рассом ўзи тасаввур қилган буюмларни чизади. Айрим кезларда у инсон юзларини ҳам тасвирга туширишга ҳаракат қилади.

ПОКИСТОНДАГИ ҒАЛАЁНЛАР

ДЕҲЛИ. Покистондан олинган хабарларга қараганда, миллат мажлисига ва вилоятларнинг қонун чиқарувчи мажлисларига февраль ойининг охирида ўтказиш мўлжалланган сайлов муносабати билан Покистоннинг ҳарбий маъмурлари ҳарбий режимга ёқмайдиган позицияларда турган сиёсий партиялар ва ташкилотларнинг таъсирини йўқотиш чораларини кўрмоқдалар. Шу билан бирга хўжакўрсинга демократик сайлов олди кураши бўлаётгандек манзарани ҳосил қилишга интилмоқдалар. Сайлов даврида иш кўрадиган ва ҳукуматга қарши ғалаёнларнинг олдини олиш вазифасини ҳал қилиш билан шуғулланадиган ташкилотлар тузилмоқда. Ўша манбаларда айтилишича, демократияни тиклаш ҳаракати блокига кирмайдиган оппозициячи партиялар сайловда қатнашмаслик тўғрисида ўзлари қабул қилган қарорга қатъий риоя этмоқдалар.

Президент генерал Зиёул Ҳақ тайинлаган сайлов куни яқинлашган сайин маъмуриятнинг мамлакатдаги ҳарбийлар ҳокимиятини абадийлаштириш режаларига қаршилик кучаймоқда.

Мамлакатнинг бир қанча шаҳарларида студентларнинг мамлакатда ҳукмронлик қилаётган ҳарбий режимнинг халқ манфаатларига зид сиёсатига қарши қудратли ғалаёнлари бўлиб ўтди. Бу ерга етиб келган хабарларга кўра, Ҳайдаробод, Даду, Ларкан, Жамшўрда ва Синд вилоятининг бошқа шаҳарларида оммавий намойишлар ва митинглар бўлиб ўтди. Қарачи шаҳри медицина коллежидаги митингда мингга яқин киши демократияни тиклаш ҳаракатининг сайлов найрангбозлигида қатнашмаслик тўғрисидаги даъватини қатъиян қўллаб-қувватлашларини билдирдилар. Маъмурлар студентлар иттифоқларининг фаолиятини тақиқлаб қўйганликларининг бир йиллиги кунида шу норозилик намойиши ўтказилди.

Ҳукуматга қарши кайфият кучайиб бораётганидан ташвишга тушган ҳарбий маъмурлар найранг ишлатиб, оппозицияни бостириш мақсадида шошилинч чоралар кўрмоқдалар, уни ўз раҳбарларидан маҳрум қилишга уринмоқдалар. Январь ойининг охирларида демократияни тиклаш ҳаракатининг ва айрим партияларнинг энг нуфузли раҳбарлари зиндонга ташланди. Кейинги кунларда бутун мамлакатда жуда кўп киши қамоққа олинди, демократияни тиклаш ҳаракатининг юзлаб маҳаллий раҳбарлари ва активлари полиция зиндонларида сақланмоқда.

Айни вақтда Исломобод маъмурияти ўзи тайинлаб қўйган кишиларнинг сайловда ғалаба қозонишини ҳар қандай йўл билан таъминлашга интилмоқда. Бунинг учун диктаторлик режимининг энг садоқатли тарафдорларига сайлов олди кампаниясини ўтказиш учун ҳамма шароитлар яратиб берилмоқда, оппозиция учун тақиқлаб қўйилган оммавий митингларни ўтказишларига ижозат берилмоқда, радио, телевидение ва матбуот уларга хизмат қилмоқда.

Компьютер ёрдам берди

Ҳозирги кунда Америка Қўшма Штатларида қалбаки ҳужжат тайёрлаш одат тусига кириб қолган. Қалбаки диплом тайёрлаш қанчалик усталик билан амалга оширилган бўлишига қарамай, барибир қачондир панд беради. Лос-анжелеслик бир группа фирибгарлар Калифорния университетини тугатганлиги тўғрисидаги дипломни жуда усталик билан ясашди. Улар ҳатто университет электрон ҳисоблаш машиналари хотирасига ҳам керакли маълумотларни киритишиб, ҳар қандай кимсага ҳақиқий ҳужжат тўғрилаб беришгача етиб бордилар. Улар бу ҳунар билан бир неча йил давомида шуғулланишиб, талай пулга диплом тайёрлаб беришган.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

• Табиат ва инсон

МУҲАББАТ ВА КАБУТАРЛАР

Москвалик ҳаваскор каптарвоз Ю. Шмелевнинг қанотли дўстлари ўзлари учун одатдан ташқари иш бажардилар. Ю. Шмелев ўнлаб кабутарлари «Муҳаббат ва кабутарлар» янги бадиий фильмини суратга олишда қатнашдилар.

Тинчлик рамзи бўлиб қолган бу қушлар кинода биринчи марта суратга олинаётгани йўқ —деди Москвадаги қабутарчилар бирлашган клуби раисининг ўринбосари А. Богданов. — Давлат фильмлар фондида кабутарлар роль ўйнаган кўпгина ленталар сақланмоқда. Кўпинча турли киностудияларнинг режиссёрлари биздан янги фильмлар учун қанотли актёрлар беришни илтимос қилишади. Ҳозир бизда бундай актёрлар ҳар қачонгидан кўп —москваликлар салкам саксон хил кабутарларни боқмоқдалар.

Қушлар орасида «спортчилар»и ҳам бўлиб, улар юзлаб километр масофани осонлик билан учиб ўтадилар. Яқинда «Сокольники» боғида бўлиб ўтган «Россия кабутарлари» кўргазмасида томошабинлар қанотли қушлар билан таништилар. Булар орасида космачи, чин кабутар, товуслар ва бошқа кабутарлар бор.

ҒАРОЙИБ АРЧА

Талас тоғидан тушган қўчқиси Талас-Тўхтағул трассасидаги қатновга халал беролмади. Чунки қўчкини арчазор тўсиб қолди. Кишилар тоғ ёй бағрига ўтказган арчалар кўп тоннали қўчки таъсирига бардош беролди.

Бу —ҳамиша кўм-кўк арчанинг инсонга қилаётган хизматларидан биргинаси. Арчазор қишки ёғинни ушлаб туради, тупроқни шамол ва сув эррозиясидан сақлайди.

Арча секин ўсса-да, узоқ— уч минг йилгача яшайди. Шунинг учун Қирғизистоннинг тоғ халқи арчазорларини сақлаш ва кенгайтиришга интилмоқда. Ўнтадан кўп ихтисослашган кўчатзорлар барпо этилган. Улар республиканинг ўрмон хўжаликларига, шунингдек Тожикистонга кўчат тайёрлаб бериб туради. Инсон ғамхўрлиги ва актив фаолияти туфайли тоғлиқ ўлкадаги арчазорлар қарийб чорак миллион гектаргача кенгайтирилди.

В. ПОЛУКАРОВ.

Фан оламида

САТУРН ҲАЛҚАЛАРИДАГИ КЕГАЙЛАР

Сатурн ҳалқаларида топилган кегайлар кейинги вақтларда астрономларни қайратда қолдирган муҳим янгиликлардан бири бўлди. Украина ССР Фанлар академияси радиофизика ва электроника институти радиоастрономия бўлимининг олимлари космосдан туриб олинган планета фотосуратларида яққол кўриниб турадиган ўзига хос нурларнинг келиб чиқиши тўғрисида қизиқарли гипотезани олга сурдилар. Улар бу кегайлар электростатик тўлқин «ўйини»нинг ташқи кўринишидир, деб ҳисоблямоқдалар.

— Маълумки, Сатурн ҳалқалари катта-кичик айрим зарралардан, шу жумладан бир неча мкрон келадиган заррадардан иборат, —дейди иш раҳбари физика-математика фанлари доктори П. Блисх. — Ҳар бир заррада электр заряди бор. Бир ишоралі зарядлар бир-биридан итарилиб, турли ишоралі зарядлар бир-бирига тортилганлигидан бизнингча, Сатурн ҳалқаларида зарраларнинг даврий зичланиши ёки сийракланиши вужудга келади. Ана шу нарса электростатик тўлқинлардир.

Электростатик тўлқинлар фанга маълум. Физиклар уларни илк бор плазмадан топганлар. Ер ионосферасида, қуёш елида, қуёш тожида рўй берувчи жараёнларда ҳам шундай ҳодисалар.

МОЙ ТОМЧИСИ СИГНАЛ БЕРАДИ

Кишинёв қишлоқ хўжалик институтининг олимлари билан одессалик мутахассислар яратган прибор трактор мотори ремонтга муҳтож ёки муҳтож эмаслигини аниқлаб бера олади. Машина «юраги»нинг эскирганлик даражасини аниқлаш учун бир неча томчи мотор мойини анализ қилиш кифоя. Приборнинг магнитланган стрелкаси мойда бўлган металл зарраларини дарров кўрсатади. Моторнинг ишқаланадиган қисмлари қанча металл йўқотганлигига қараб трактор ишлатилаверади ёки ремонтга қўйилади.

Институт ўқув хўжалигида янгиликни қўллаш тракторларга техник хизматни яхшилашда, уларни ишлатиш муддатини узайтиришда ёрдам берди.

ТУРИСТ

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ

САЁҲАТ ИШҚИБОЗЛАРИНИ ҚУЙИДАГИ МАРШРУТЛАР БЎЙИЧА

САЁҲАТГА ЧОРЛАЙДИ

ЯЛТАга (хусусий сектор) — 20 кунга, 31 март—20 апрель кунлари. Путёвка баҳоси — 303 сўм.

СОЧИга (Лазаревскоедаги «Дружба» дам олиш уйи) — 20 кунга, 8-28 март кунлари. Путёвка баҳоси — 237 сўм.

СОЧИга (хусусий сектор) — 20 кунга, 29 март — 18 апрель кунлари. Путёвка баҳоси — 272 сўм; 19 апрель — 9 май кунлари. Путёвка баҳоси — 290 сўм; 10-30 май кунлари. Путёвка баҳоси — 290 сўм.

СОЧИга (хусусий сектор) — 20 кунга, 8-28 март кунлари. Путёвка баҳоси — 261 сўм; 29 март — 18 апрель кунлари. Путёвка баҳоси — 278 сўм; 19 апрель — 9 май кунлари. Путёвка баҳоси — 296 сўм; 10-30 май кунлари. Путёвка баҳоси — 296 сўм.

КИСЛОВОДСКка (хусусий сектор) — 20 кунга, 10-29 март кунлари. Путёвка баҳоси — 250 сўм; 31 март — 19 апрель кунлари. Путёвка баҳоси — 268 сўм; 21 апрель — 10 май кунлари. Путёвка баҳоси — 285 сўм; 12-31 май кунлари. Путёвка баҳоси —/ 285 сўм.

ТУАПСЕга (хусусий сектор) — 20 кунга. 9-28 май кунлари. Путёвка баҳоси — 295 сўм; 30 апрель — 19 май кунлари. Путёвка баҳоси — 313 сўм; 21 май — 9 июнь кунлари. Путёвка баҳоси — 313 сўм.

АДЛЕРга (хусусий сектор) — 20 кунга, 11 апрель — 1 май кунлари. Путёвка баҳоси — 290 сўм; 2-22 май кунлари, 24 май — 13 июнь кунлари. Путёвка баҳоси — 290 сўм.

ЕССЕНТУКИга (хусусий сектор) — 20 кунга. 18 апрель — 6 май кунлари. Путёвка баҳоси — 270 сўм.

ШЯУЛЯЙ-ПАЛАНГАга — 13 кунга, 9-21 март кунлари. Путёвка баҳоси — 265 сўм; 6-18 апрель кунлари. Путёвка баҳоси — 293 сўм.

КЛАЙПЕДА-РОКИШКИСга — 13 кунга, 20 март — 4 апрель кунлари. Путёвка баҳоси — 258 сўм.

ЦЕСИС-РЕЗЕКНЕга — 9 кунга, 14-22 апрель кунларн. Путёвка баҳоси — 259 сўм.

ВЕНСПИЛС-ЛИЕПАЯга — 13 кунга, 26 апрель — 8 май кунлари. Путёвка баҳоси — 328 сўм.

МИНСК-ПАНЕВЕЖИСга — 13 кунга, 7-19 апрель кунлари. Путёвка баҳоси — 328 сўм.

БАЗАЛЕТИ-ГАГРАГА — 20 кунга, 20 май — 9 июнь кунларн. Путёвка баҳоси — 309 сўм.

БАЗАЛЕТИ-ЗЕЛЕНИЙ МИСга — 20 кунга, 26 май — 15 июнь кунлари. Путёвка баҳоси — 312 сўм.

БАЗАЛЕТИ-СУХУМИга — 20 кунга, 19 май — 8 июнь; 24 май — 13 июнь кунлари. Путёвка баҳоси — 305 сўм.

СЕВАСТОПОЛЬ-ЯЛТАга — 20 кунга, 14 май—2 июнь кунлари. Путёвка баҳоси — 333 сўм.

ТБИЛИСИ-НОВИЙ АФОНга (Тбилиси денгизи) — 20 кунга. 8-27 май кунлари. Путёвка баҳоси — 298 сўм.

ТРАКАЙ-ЗАРАСАЙга — 11 кунга, 24 май — 4 июнь кунлари. МОСКВАга («Измайлово» туристик комплексида 7 кун турилади) — сўнгра туристик поезд билан КИЕВ, ОДЕССА, ХЕРСОН, СЕВАСТОПОЛЬ, МОСКВА ШАҲАРЛАРИГА— 13 кунга, 15-27 апрель; 4-16 май кунлари. Путёвка баҳоси — 314 сўм.

ПУТЁВКА БАҲОСИГА САМОЛЁТДА БОРИШ ВА КЕЛИШ, ЯШАШ, ОВҚАТЛАНИШ ВА ЭКСКУРСИЯ ХИЗМАТИ ҲАҚЛАРИ КИРИТИЛГАН.

ПУТЁВКАЛАРНИ НАҚД ПУЛГА ВА ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН ҚУЙИДАГИ АДРЕСДАН СОТИБ ОЛИШ МУМКИН: Тошкент шаҳри, Парадлар хиёбони, 5-уй, 8-хона. Телефонлар: 39-13-59, 39-43-73).

С. И. КАДИШЕВ НОМЛИ 33-АВИАЦИЯ ЎРТА-ҲУНАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1985—1986 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

УЧИШ АППАРАТЛАРИНИ ЙИҒУВЧИ СЛЕСАРЬ, САНОАТ УСКУНАЛАРИ РЕМОНТИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, МЕХАНИКА ЙИҒУВ ИШЛАРИ СЛЕСАРИ, УЧИШ АППАРАТЛАРИ УСКУНАЛАРИ БЎЙИЧА ЭЛЕКТР-МОНТАЖЧИ, ТОКАРЬ-ЧАРХЧИ, ТОКАРЬ-РЕВОЛЬВЕРЧИ, ТОКАРЬ-УНИВЕРСАЛ, ФРЕЗЕРЧИ, СОНЛИ ПРОГРАММА БИЛАН БОШҚАРИЛАДИГАН ФРЕЗЕР СТАНОКЛАРИНИНГ ОПЕРАТОРИ, СЛЕСАРЬ-САНТЕХНИК-ГАЗ ПАЙВАНДЧИ, ТЕМИРЧИ-ШТАМПОВКАЧИ, ШТАМПОВКАЧИ.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ТОШКЕНТЛИК ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

10-синф ҳажмида маълумот билан ўқишга кирганлар учун ўқиш муддати 8 ой, ўқишни тугатганларга эгаллаган касби бўйича диплом берилади. Ўқувчиларга ҳар ойда 65 сўмдан стипендия тўланади.

8-синф ҳажмида маълумот билан ўқишга кирганлар 3 йил ўқийдилар, уларга билим юртини тугатгандан сўнг эгаллаган касби бўйича малака ва ўрта маълумот тўғрисида диплом берилади.

Ўқиш даврида ҳар куни 3 маҳал иссиқ овқат, ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 проценти берилади.

Ўқиш даври умумий иш стажига қўшиб ҳисобланади.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

БИЛИМ ЮРТИНИ ТУГАТГАНЛАР В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар олий ўқув юртларига имтиёзли равишда қабул қилиниш ҳуқуқига эга бўладилар.

Билим юртн спорт базасида спорт секциялари доимо ишлаб туради. Шунингдек, ҳар хил тўгараклар: вокаль-чолғу ансамбли, халқ чолғу асбоблари ансамбли, духовой оркестри тўгараклари доим ишлайди.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт), 286 формадаги медицина справкаси, ота-онасининг иш жойидан справка, турар жойидан справка, 3х4 см 4х5 см. ҳажмдаги 8 дона фотосурат.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес, Тошкент шаҳри, генерал Петров кўчаси, 331-уй (30, 8, 171-автобусларнинг «Валиханов кўчаси» бекати). Телефон 96-58-20.

«ИНСОН ҲУРМАТИ ҲАММА НАРСАДАН АЗИЗ»

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

«БОЛАЛАР ДУНЕСИ» ВА «ТОШКЕНТ» ЧАКАНА САВДО ФИРМАЛАРИ, «ТАШГАЛАНТЕРЕЙТОРГ», «ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ», «ТАШХОЗТОРГ», «ЧИЛОНЗОР» МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИ, ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИ, «ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

СИЗЛАРНИ СОВЕТ АРМИЯСИ ВА ҲАРБИЙ ДЕНГИЗ ФЛОТИ КУНИГА АТАБ

ТУҒИШГАНЛАРИНГИЗ, ЯҚИН ТАНИШ-БИРОДАРЛАРИНГИЗ, ДЎСТЛАРИНГИЗГА АТАБ СОВҒАЛАР СОТИБ ОЛИШГА ЧОРЛАЙДИ.

БУ САВДО КОРХОНАЛАРИ БАЙРАМ УЧУН ҲАР ХИЛ МОЛЛАР, РАНГ-БАРАНГ СОВҒАЛАР ТУРКУМЛАРИНИ СОТУВГА ТАЙЁРЛАБ ҚЎЙИДИЛАР.

СОВҒАЛАР ОЛАМИДАГИ КОМПАС —СИЗНИНГ ДИДИНГИЗ

Улуғ айём кунларида яқин дўстларга ва таниш-билишларга совғалар тақдим этиш узоқ йиллардан буён давом этиб келаётган яхши анъанадир. Бундай қувончли кунларда қандай совғаларни танлаш ва тақдим этиш керак? Чунки магазинларда энг ғўзал буюмлар ғоятда кўп! Ана шу буюмлардан қай бири муносиб совға бўла олади, тақдим этилган кишига манзур бўла оладими?

Портмонелар, кулдонлар, зажигалкалар, шарфлар, қўлқоплар, галстуклар, соқол олиш учун кремлар, одеколонлар — баҳоси қиммат бўлмаган ва ҳар бир кишига ҳар доим керакли буюмлардир.

Совғаларни тақдим этаётганингизда, бу буюм катта хоҳиш билан харид этилганлигини меъёри билан тушунтириш лозим. Бунинг учун буюмни аввало қоғозга ўранг, устидан лента билан боғланг, ичига эса мутойиба ва самимий қутловлар ёзилган открткаларни қўйинг. Ишончимиз комилки бу усул дўстларингизга манзур бўлади.

ШАҲАРНИНГ САНОАТ ВА СОВҒА МАГАЗИНЛАРИ ТАЙЁР СОВҒА БУЮМЛАРИ ТУРКУМИНИ ТАВСИЯ ЭТИШАДИ.

Комплектларда фойдали ва чиройли буюмлар мужассамлашган: масалан, эркаклар учун аталган терма қўлқоп ва шарф, галстук ва кўйлак, зажигалка ва кулдон, одеколон, соқол олишда суртиладиган крем ва хушбўй исли совундир. Бир сўз билан айтганда совғаларнинг хиллари ва термалари жуда ҳам кўп!

Барча байрам термалари чиройли безакланган, целофан халтачаларга солинган, ўртасидан чиройли ленталар ўтказиб боғланган. Бу ёқимли таассурот муҳайё қилади, байрам муҳитини яратади.

Байрам термалари сизнинг совғалар танлашга сарфланадиган қимматли вақтингизни тежайди ва чиройлилиги, арзон баҳолилиги билан сизга муносиб хизмат қилади.

Пойтахт магазинларида совға термалари ва эркаклар учун аталган молларнинг жуда катта олами савдога қўйилган. Шунинг учун ҳам совғалар сотиб олишни байрам арафасидаги тиғиз кунларга қолдирмасдан, бугунданоқ магазинларнинг савдо заллари бўйлаб харидни бошлаш керак.

АДРЕСЛАРНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

«ТОШКЕНТ» ФИРМАСИ МАГАЗИНЛАРИ:
2 — Вокзал олди майдони;
8 — Олмазор уй-жой массиви;
12 — Халқлар Дўстлиги проспекти;
16 — Луначарское шоссеси;
1 — Чилонзор массиви, «Ёшлар уйи»;

«ТАШГАЛАНТЕРЕЙТОРГ» МАГАЗИНЛАРИ:
38 «Ҳаммаси хотин-қизлар» учун» — Навоий кўчаси;
60 — Чилонзор массиви, 8-квартал;
2 — Навоий кўчаси, савдо растаси;
20 — Олой бозори;
66/1 — Навоий кўчаси, ярмарка;
7/1 — Госпитал бозори;

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ» МАГАЗИНЛАРИ:
8 — Чилонзор массиви; 7-квартал;
1-«Кийимлар уйи» — Ш. Руставели кўчаси;
19 — Октябрь бозори;
10 — Олой бозори;
36 — Новомосковская кўчаси, 18-уй;
28 — Госпитал бозори;

«ТАШХОЗТОРГ» МАГАЗИНЛАРИ:
22-«1000 хил майда-чуйда» — Муқимий кўчаси;
11 — Каблуков кўчаси (Олой бозори);
25/3 — Навоий кўчаси, савдо растаси, «Чинни-биллур магазини»;
1 — Пролетар кўчаси, 49-уй;
10 — Фарҳод ярмаркаси;
30 — Навоий кўчаси, ярмарка;
14/1 — Қўйлиқ уй-жой массиви, 1-уй;
3 — Қўйлиқ бозори;

шунингдек «ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ, «ЧИЛОНЗОР» МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИ, ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИ, «БОЛАЛАР ДУНЕСИ» ФИРМАСИ.

БАЙРАМ СОВҒАЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ.

ЗЕБОЛИК

КРЕМЛАР ЗЕБОЛИКНИ ОШИРАДИ, ЁШЛИКНИ УЗАЙТИРАДИ: ТЕРИНИ МАЙИН, ДУРКУН ҚИЛАДИ.

ҚАНДАЙ КРЕМЛАРНИ ТАНЛАМОҚ КЕРАК?

«ЧИЛОНЗОР» МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИ ЮЗГА СУРТИЛАДИГАН КРЕМЛАРНИ ДИҚҚАТИНГИЗГА ҲАВОЛА ҚИЛАДИ.

«ЭСТЕЛ» (Москва) — озуқали, бардамлаштирувчи, қуруқ ва бир маромдаги терилар учун мўлжалланган биологик активдир. Элеутерокок илдизидан шифобахш препарат этиб тайёрланган, қон айланишини яхшилайди, моддалар алмашув жараёнларига ёрдамлашади;

«ЗОДИАК» (Москва) — қуруқ ва бир маромдаги терилар учун, таркибида норка мойи бор;

«СТИЛЬ» (Болгария) — қуруқ терилар учун, таркибида хмель экстракти бор;

«РЕА» (ГДР) — кундузи суртиладиган чала ёғли крем. Таркибида ўсимлик мойи бор. Яхши шимилади. Манзарали косметика пардозини беришда асос бўлиб хизмат қилади;

«АЛАНТОИН» (Болгария) — бир маромдаги ва ёғли тери учун кундузи суртиладиган крем. Таркибида шифобахш ўтлар бор;

«ВИТАМИННИЙ» (Болгария) — қуруқ ва бир маромдаги тери учун суртиладиган озуқа креми. Кўпинча кечаси ишлатилади;

«БИО-РЕТРО» (Болгария) — кечаси суртиладиган крем, витаминларга бой. Енгил шимилади, 30 ёшли аёллар учун суртиш маслаҳат берилади;

«ЛЮБИМИЙ» (Москва) — манзарали, юмшатувчи;

«ЛАДА» (Москва) — ҳар қандай тери учун. Таркибида аппилак моддаси бор. Ҳужайраларни янгилашга хизмат қилувчи витаминлар ва гормонларга бой;

«БИО-КРЕМ», «МАЛАХИТ» (Свердловск) — қуруқ ва кексайиб бораётган тери учун. Таркибида қум мойи, янтар кислотаси бор;

«ОПЕРА», «ПЧЁЛКА» (Ленинград) — қуруқ тери учун асалари сути қўшилган крем;

«ВИТА-А» (Болгария) — ҳар қандай тери учун мўлжалланган. А ва Е витаминларига бой. Ҳужайралардаги ачийдиган жараёнларни жадаллаштиради, терининг қувватини оширади, уни майин қилади;

«КАЛЕНДУЛА» (Москва). Бу кремнинг таркибида шамоллаш ва яра-чақа бўлиш ҳолларига қарши курашувчи календула экстракти бор. У енгил шимилади, терини юмшатади ва дуркун қилади. Қўёш ва бошқа нурлар таъсирида қуйилгандан кейин ёқимли шифобахш таъсир этади.

«ЧИЛОНЗОР» МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИ (телефон 77-13-06).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27)

ТВ

ДУШАНБА

18 ФЕВРАЛЬ

● МТ I

18.00 Конькида югуриш спорти бўйича жаҳон чемпионати. Эркаклар. Норвегиядан олиб кўрсатилади.
18.45 «Сиз яратган боғ».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.35 «Ишлар ва одамлар». «БАМ — Сибирь бойликларига йўл».
20.05 Халқ куйлари.
20.25 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Батальонлар ўт очишга рухсат сўрашяпти». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси. Ю. Бондарев повести асосида. 1-серия.
21.30 «Время».
22.05 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Бу йўлларни биз асло унутмаймиз». Поэзия. М. Дудин.
22.30 РСФСРда хизмат кўрсатган артист Е. Камбурова куйлайди.
22.55 Енгил атлетика бўйича СССР чемпионати.
23.25 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 Мультфильмлар.
18.55 Ритмик гимнастика.
19.25 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Биатлон бўйича жаҳон чемпионати. 4х7,5 км. Эстафета. Эркаклар. ГФРдан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Данте кўчасидаги қотиллик». Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

18.30 Янгиликлар.
18.15 «Пионерлар мамлакатида» (рус.).
18.45 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. Юлиус Фучик. «Дор остидаги сўз».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Бу бизнинг келажагимиз». Кинопрограмма.
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси халқ чолғулари оркестрининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 «Муҳаббатнома». Бадиий фильм. 1-серия (рус.).
23.30 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Чинор». Илмий-оммабоп программа (рус.).
18.50 «Қардошлик юлдузи». Ҳужжатли фильм.
19.20 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Бурчга садоқат...»
19.50 Врач маслаҳати.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Ғалаба тожи». Телеспектакль (рус.).
21.30 МТ II

СЕШАНБА

19 ФЕВРАЛЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.50 «Данте кўчасидаги қотиллик». Бадиий фильм.
11.30 Татаристон композиторларининг фортепьяно асарлари.
11.50 «Батальонлар ўт очишга рухсат сўрашяпти». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
12.55 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «80-йиллар коммунистлари». Ҳужжатли фильмлар.
16.30 «Рус тили».
17.05 «СССР халқ артисти Иван Петров куйлайди». Фильм-концерт.
17.25 «Шахмат мактаби». Разрядлилар учун.
17.55 «Слук» халқ рақс ансамблининг концерти (ЧССР).
18.30 «Фан ва турмуш».
19.00 «Қувноқ нотачалар».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Е. Светланов. Кларнет ва фортепьяно ижроси учун прелюдия ва скерцо.
19.40 «Шу куннинг почтаси». Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов телетомошабинларнинг хатларини шарҳлайди.
20.15 «Батальонлар ўт очишга рухсат сўрашяпти». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
21.30 «Время».
22.15 «Советлар мамлакатига қарши фитна». Ҳужжатли фильм премьераси. Ёзувчи Г. Боровикнинг кириш сўзи билан бошланади.
23.20 Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Химик». 3-давр.
24.00 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Трасса». Ҳужжатли фильм.
9.55—10.05 «Энг шимолий маршрут». Илмий-оммабоп фильм.
10.55—11.05 «Ғилдирак ва тупроқ». Илмий-оммабоп фильм.
12.05 —12.35 «Сиз яратган боғ».
14.05 Э. Хемингуэй. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари.
14.55 Совет тасвирий санъати. «Меҳнат биз учун шон-шараф иши».
15.25 «Шахсан дахлдор». Учала Қизил Байроқ орденларининг кавалери, артиллерия генерал-майори А. Ф. Сергеевнинг жанговар йўли ҳақида.
16.10 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.45 «Ҳамдўстлик» тележурнали.
19.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
20.00 «Атлантик-Стил-Бенд» ансамблининг концерти (Гайана).
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.15 «Саша». Телевизион бадиий фильм.
23.25 «Бригада: янги босқич». Ҳужжатли фильм премьераси.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Виталий Бианки». Телефильм.
11.10 «Мен солдатман, онажон». Ҳужжатли фильм.
11.30 Ўқув программаси.
12.00 «Саша Ковалев сабоғи». Телефильм.
12.30 Ўқув программаси.
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 Глиэр номли музика мактаби ўқувчиларининг концерти.
18.50 Россияда 1905 — 1907 йиллардаги революциянинг 80 йиллигига. «Қонли якшанба».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Мен овоз бераман».
20.00 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. Э. Воҳидов. «Нидо».
20.30 «Ахборот».
20.50 Ёш ижрочилар концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.15 «Экишга ҳамма нарса тахт бўлсин».
22.35 «Муҳаббатнома». Бадиий фильм. 2-серия (рус.).
23.50 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.—15 МТ II
18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Ўз айбига иқрор бўлиб». Ҳужжатли фильм.
18.50 Ўқув программаси.
19.20 «Узоқ Шимолда», «Умрбод денгиз билан». Телефильмлар.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Чуй водийси». Телефильм.
21.00 «Ангренликлар беш йилликнинг зарбдор вахтасида».
21.30 МТ II

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 19/II да **Кармен.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 19/II да **Келинлар кўзголони,** 20/II да **Аризасига кўра.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 18/II да **Олифта,** 20/II да **Кулги кечаси.**

КИНО

18 ФЕВРАЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТЎРТ МУШКЕТЁР» — **Санъат саройи** (катта зал, 16, 18.30, 20.45, телефон 44-21-44).

«МЕРОС», «МАРШАЛ ЖУКОВ» —**Санъат саройи** (кичик зал, 17.30, 20.30).

«ОВСАР ИНСПЕКТОР», «ОВСАР» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (16.30, 20.00; телефон 33-44-52), **Москва** (16, 18.30, 20.45; телефон 33-05-01), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (18, 21.00; телефон 78-47-25), **Дружба** (16, 19.00; телефон 66-15-75), **Ватан** (16, 18.30, 21.00).

«ВАҚТ ҲУКМДОРИ» — **Чайка** (16, 18.30, 21.00; телефон 77-06-20).

«ҲАЁТ УЧУН ХАВФЛИ ТЕРГОВ» — **Лисунов номли** (17, 19, 21.00; телефон 96-34-02).

19 ФЕВРАЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТЎРТ МУШКЕТЁР» — **Санъат саройи** (катта зал, 16, 18.30, 20.45, телефон 44-21-44).

«МЕРОС», «МАРШАЛ ЖУКОВ» —**Санъат саройи** (кичик зал, 11.30, 14.30, 17.30, 20.30).

«ОВСАР ИНСПЕКТОР», «ОВСАР» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (10, 13.15, 16.30, 20.00; телефон 33-44-52), **Москва** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45; телефон 33-05-01), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (11, 14.30, 18, 21.00; телефон 78-47-25), **Қозоғистон** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.00; телефон 35-24-92), **Дружба** (11, 12, 14, 16, 19.00; телефон 66-15-75), **Ватан** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

«ВАҚТ ҲУКМДОРИ» — **Чайка** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 77-06-20).

«ҲАЁТ УЧУН ХАВФЛИ ТЕРГОВ» — **Лисунов номли** (11, 13, 15, 17, 19, 21.00; телефон 96-34-02).

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг

ХИМИЯ ИНСТИТУТИ

лабораториялар бўйича

ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

ҚОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мудир (фан доктори), **катта илмий ходимлар** (2), **флокуляция кичик илмий ходимлари** (9);

рангли ва нодир металлар **кичик илмий ходими.**

КОНКУРС МУДДАТИ — 25 ФЕВРАЛГАЧА.

Мурожаат учун адрес: 700170, Тошкент шаҳри, М. Горький проспекти, 77-уй. Телефон 62-75-61.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«Главташкентстрой» «Промстройкомплект» бирлашмасининг

ҚУРИЛИҚ РУДАСИЗ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ЗАВОДИГА

экскаватор, дробилка, грохот, конвейерларнинг 4-5 разрядли машинистлари, слесарлар, газ-электр пайвандчилар, компрессорчилар, токарлар, 4-5 разрядли бульдозерчилар, грохот мотористлари.

Меҳнат ҳақи — ишбай-мукофотли.

Ёлғизлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)

—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.

(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:

700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02: бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29- 70; эълонлар бўлими— 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р—12085. Индекс 64690. А-2053. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.